Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1995 йил, 29 август | 12 - сон

Бу байрам то абад бизга ёр бўлсин!

ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛОВ

ТАБРИК

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг Марказий ҳайъати барча партия аъзоларини ва бутун Ўзбекистон халқини Республикамиз мустақиллик байрамининг 4 йиллиги билан қизғин табриклайди.

Ўзбекистоннинг буюк келажагини қуриш каби шарафли вазифани ўз олдига қўйган ғайратли, ташаббускор ва талантли халқ ўз мақсадини амалга оширмоқ йўлида хормай-толмай меҳнат қилмоқда.

Мустақиллигимиз олий мақсадлар ижросининг гаровидир.

Шонли байрамингиз муборак бўлсин азиз ватандошлар!

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг Марказий ҳайъати

МАЪНАВИЙ БИРЛИК САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

БИШКЕК, 28 август. (ЎзА махсус мухбири Муҳаммад ШАРИФ хабар қилади). Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 28 август куни туркий тилда сўзлашувчи давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун Қирғизистон пойтахти Бишкекда бўлди. Пойтахтнинг «Манас» аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Қирғизистон Президенти Асқар Акаев кутиб олди.

Аэропортда олий Мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари давлат мадҳиялари янгради.

Қирғизистон ҳукумат уйида Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев иштирокида туркий тилда сўзлашувчи давлатлар раҳбарларининг учинчи учрашуви бошланди.

Давлатлар раҳбарларининг Қирғизистон тупроғида туркий маданиятнинг улкан бойлиги — «Манас» эпосининг 1000 йиллиги тантаналари нишонланаётган пайтда йиғилгани бежиз эмас. Олий даражада ўтган аввалги учрашувларда туркий тилда сўзлашувчи давлатлар раҳбарлари тарихи, маданияти бир бўлган қардош халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш, маънавий уйғунликни янада мустаҳкамлаш борасида келишиб олган эдилар. Мазкур учрашувда эса, қардош давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий алоқаларни тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, учрашувда айни пайтда долзарб бўлиб турган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикрлашилди.

Президент Ислом Каримов давлат раҳбарлари учрашуви чоғида сўзлаган нутқида иштирокчилар эътиборини сиёсий, иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш, халқларимизни янада яқинлаштириш, шунингдек Орол фожиасини бартараф этиш масалаларига қаратиб, бу борада барча кучларни бирлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу куни «Манас» эпосининг минг йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

***

Шу куни президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Давлатимиз раҳбарини республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлагонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎзА)

ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАР ЗИЁРАТИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлган ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор 26-27 август кунлари Самарқанд, Урганч, Хива ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилди.

Самарқандда Федерико Майор Марказий Осиё Тадқиқотлари халқаро институтининг очилиш маросимида қатнашди.

— Мазкур институтнинг ташкил этилиши мамлакатингиз раҳбариятининг юртингиз тарихига, қадим ота-боболарингиз маданий меросига катта эътибор қаратаётганидан далолатдир, — деди Ф. Майор. — Институт Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганибгина қолмай, минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшади деб ишонаман.

Меҳмон Самарқанд шаҳрида яна бир илмгоҳ — Чет тиллар институтининг очилишида ҳам иштирок этди. Институт ижодий Жамоасига муваффақиятлар тилади.

27 август куни Хивадаги Нуруллабой меъморий мажмуасида Федерико Майорга «Хиванинг фахрий фуқароси» ёрлиғини топшириш маросими бўлиб ўтди. Федерико Майор хиваликлар кўрсатган ҳурмат-эҳтиром учун уларга чуқур миннатдорлик билдирди.

Бухоро зиёратида юксак меҳмон шаҳарнинг қадимий обидалари билан бир қаторда халқ ҳунармандчилиги намуналарини ҳам ҳайрат билан томоша қилди. Жаноб Ф. Майор ЮНЕСКО Бухоро ҳунармандчилигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 40 минг ва Орол денгизини қутқариш учун 60 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратганини маълум қилди.

— Қадимий Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари Инсоният цивилизациясининг бешикларидир. Бундан нафақат, юртингиз ёхуд Осиё, балки, жаҳон аҳли ҳам минг бора фахр этса арзийди, — деди журналистлар билан суҳбатда ЮНЕСКО раҳбари. — Мен раҳбарлик қилаётган нуфузли ташкилот Ўзбекистонга доимо катта эътибор билан қараб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Юксак мартабали меҳмонга юртимиз қадимий шаҳарларини зиёрат қилиш чоғида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари С. Саидқосимов, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик ҳамроҳлик қилди.

(ЎзА)

Сиёсий фикр майдонларида

«ОЗОДЛИК» РАДИОСИГА ХАТ

Шу кунларда ўзбек халқи мустақиллигининг тўрт йиллигини нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Дунё Ўзбекистонга эътибор билан қарамоқда.

«Озодлик» радиоси ҳам ўз эшиттиришларидан бирини мустақиллигимизга бағишлади. Камоли диққат билан тингладим. Дўстларнинг холис сўзи одамни қувонтиради. «Озодлик» истаса, холис сўз айта олади. Ранг-баранг ахборотлар беради. Шулар орасида баъзан оппонентларнинг «таҳлиллари», «вазиятга баҳо беришлари»ни эшитиб, беихтиёр «йўғ-эй, биродар: асло ундай эмас. Сиз аҳволдан узоқлашиб қолибсиз, уни юзаки тушунтиряпсиз», деб юбораса.

Аввало кўзланган асосий мақсад бўлмиш мустақилликнинг оқибатларига тўхташ ўринлидир. Хўш, кейинги тўрт йилликнинг ўзгаришлари нималардан иборат?

БИРИНЧИДАН, республикада тариҳан қисқа вақт ичида туб сиёсий ўзгаришлар содир бўлди. Хусусан, мустақил Ўзбек давлати тикланиб, том маънодаги миллий парламент, миллий Конституция, миллий байроқ, мадҳия ва герб жорий этилди. Шунингдек, ўзбек тили давлат тили даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди, ўнлаб хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатди. Булар мисли кўрилмаган катта воқеалар ҳисобланди. Ўзбекистон озод бўлиб, мустақил ва тенг ҳуқуқли давлат сифатида жаҳон давлатлари даврасидан муносиб ўрин эгаллади.

ИККИНЧИДАН, республикада хусусий мулкчилик, эркин иқтисод, ишбилармонлик ва савдо-сотиқнинг тикланиши туб иқтисодий ўзгаришларни юзага келтирди. Хорижий давлатлар билан янгича асосда ва йўналишда иқтисодий алоқаларнинг тобора кучайиб бораётганлиги катта аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, 130 йиллик мустамлакачилик даврида ер остки ва устки бойликлари бамисоли дарё каби марказга узлуксиз оқарди. Мустақиллик шарофати билан олтин, кумуш, мис, газ, пахта, ипак сингари турли-туман бойликларимиз ўзимизники бўлиб қолди.

Эндиликда улар умуммиллат манфаатларига ва давлатнинг куч-қудратини оширишга ишлатилмоқда. Буларнинг барчаси туб ва буюк иқтисодий ўзгаришларнинг намунаси сифатида гавдаланиб турибди.

УЧИНЧИДАН, ҳеч кимга сир эмаски, совет даврида маънавий ҳаёт коммунистик ғоялар билан заҳарланган ва кишанланган бўлиб миллий қадриятларимиз ва динимиз бўғиб қўйилган эди.

Мустақиллик туфайли чинакам маънавий ҳаётга қайта жон ва руҳ бахш этилди. Кўз ўнгимизда кўп асрли миллий турмуш тарзимиз, динимиз ва умуман маданиятимиз ҳар жиҳатдан қаддини тиклаб олди. Яқин ўтмишда бизни «СССР граждани» ва «совет халқи» деб юритдилар. Бамисоли илдизи қирқилган дарахтдек бўлиб қолдик. Империя қулаб, халқимизни алоҳида миллат сифатида йўқ қилишга қаратилган бундай сиёсат барбод бўлди. Натижада кўҳна ва мазмундор, лўнда, ўзбек деган ном жаҳонга танилди. Биз буюк давлатларни ва тараққиётни бунёд этиб умуминсоният маданиятига муносиб ҳисса қўшган ўзбекмиз, дея даврага чиқдик. Нодир маънавий ва миллий бойликларимиз, ажойиб ватанимиз, юксак одоб-ахлоқимиз билан фахрланиш имкони қўлга киритилди.

Хуллас, ўзбек халқи асоратдан озод бўлиб, елкасига офтоб ва кўкрагига шамол тегиб эркин нафас олмоқда ҳамда мустақиллик имкониятларни кашф этмоқда. «Ойни этак билан ёпиб бўлмайди» деганларидек, шарҳланган тарихий ўзгаришлар ва ҳақиқатни инкор қилишнинг ҳеч бир асоси ва иложи йўқ. Бироқ «Озодлик» радиосининг бир эшиттиришида катта ўзгаришлар ҳақида лом-лим демай Ўзбекистонда қашшоқлик ҳукм сураётганлиги ҳақида сўз юритилди. Тўғри, ҳозирда етишмовчиликлар мавжуд, янги ҳаётни барпо этиш жараёнида уларнинг бўлиши табиийдир. Наҳотки оддий бир киши ҳам тушунадиган бу ҳолатни ўзини лидер деб ҳисоблайдиганлар тушунмаса? Ахир барча республикалардаги ҳаёт бизникига нисбатан анча мураккаб ва ачинарли ҳолатлари ҳеч кимга сир эмас-ку. Радиомунаққидлар бугунги кунларни қоралаш ўрнига қийинчиликларни тез-

Давоми иккинчи бетда

Ранг-баранг гаплар

ГАЗЕТАМИЗГА БИРИНЧИ БЎЛИБ ЁЗИЛГАН ТЎҚҚИЗ БИРОДАРИМГА

Сизга аввало катта раҳмат. Бизга ишонч билдирганингиз ва умид қиламизки, биз билан турли масалаларда гурунглашмоқчи бўлганингиз учун.

Июлнинг охирида муҳаррирларимиз газета тарқатиш идорасига, Рустам Қосимов ва Саидмаҳмуд Акбаровга салом бергани кириб, обунани ҳам сўради. Унга дарҳол уч киши ёзилганлигини айтишди ва муҳаррир билан бирга шарақлаб кулиб юборишди. Нима наша қилдийкин? Муҳаррир лол бўлиб қолди. У ҳали «МТ»га биттаям одам ёзилмаган бўлса керак, деб ўйлаган экан.

Битта отлиқ — отлиқ. Майдонда ўрни бор. Учта отлиқ энди бу тўлиқ учлик. Бир жабҳани ушлаб туролади. Нега отлиқ деяпман. Ахир, «МТ»га ёзилган одам ўз-ўзидан отланган бўлади-да!

Августнинг биринчи ярмида миллий тикланиш тарафдорлари яна олти кишига кўпайди. Тўққизта бўлдик. Энди бу биродар, бутун бир бўлинма. Бўлинма эса жабҳада катта вазифаларни уҳдалаши мумкин. Халқимиз бундай пайтда яхши ният қилиб кўпайсин-бой дейди. Кўпайсин, «МТ» мухлислари!

Ўзбекистонда 20 млн.дан ортиқ саводхон аҳоли яшайди. Шундан камида 7 млн.и газета, китоб ўқийди. Сиз «МТ»га бор-йўғи 9 та одам ёзилганидан оғзингиз қулоғингизга етиб гапиряпсиз. Ҳолбуки партия аъзоларингизнинг ўзи ўн мингдан ошгандир, хайрихоҳларнинг-ку сони-саноғи йўқ, деб писанда қилишингиз мумкин. Начора, сиз ҳақсиз. Рост, дейди бизнинг муҳарриримиз. Аммо, дейди у, — ҳар қандай етти милён учтадан ва тўққизтадан бошланади. Тоза жилғалардан миллий тикланишнинг дарёлари ҳосил бўлади. Кўкрак кериб юрган бизнесменлар, банкирлар, саноатчилар, катта-кичик фирма ва қўшма корхоналарнинг эгалари — мустақиллик кимни мулкдор қилган ва давлатманд бўлишга имкон берган бўлса, — барча-барчалари тушунсалар керак, ўз фаровонликлари охир-оқибат миллий тикланишга чамбарчас боғлиқлигини.

Бир пайтлар чамаси, ўн учинчи йиллар бўлсами, Беҳбудий домла узоқ қийинчиликлардан сўнг биринчи европача усулда ёзилган ўзбек драмасини узоқ қийинчиликлар билан назоратдан ўтказиб келгандан сўнг, яна анча қийинчиликлар билан уни ниҳоят саҳнага олиб чиққанларида, одамлар бу ажойиб томошани кўриб ҳўнграб-ҳўнграб йиғлашган экан. Яна қачон қўйилади деб домлани қисталанг қилишган экан. Иккинчи қўйишга эса тахминан оқпошшонинг беш юз тилло пули лозим бўларкан. Лекин қани ўша пул? Ўшанда домла айтган эканлар: Эй, миллатдош биродарларим, томоша кўраман десангиз, ҳимматли бўлинглар!

Албатта, ҳимматлилик миллий хусусиятларимиздан бири.

Модомики 9 та одам ўзи учун ҳиммат қилган экан, 7 млн. саводхон юртдошларимиз миллий ҳиммат ишидан четда турмасалар керак. Ўзлари учун чиқарилаётган газеталару китобларни чанг бостириб ўтирмаслар, албатта. Тўғрими, биродар?

«МТ»

ОМОН БЎЛ, МУСАВВИР УКАМ!

Дўппи (умуман, ҳар қандай бош кийим) бошга ярашса, яхши.

Бош ҳам дўппига ярашса, янада соз!

Ажойиб мусаввир дўстимиз Одилбек Бобожон «МТ»ни ўқиб юрар экан, бир куни келиб сизларга бўрк ясаб бераман, деб қолди.

Сўзининг устидан чиқадиган йигитлардан экан, у байрам арафасида газета идорасига ҳақиқатан ҳам «бўрк» кўтариб келди (тушунарлироқ қилиб айтганда, газетага «шапка-салавҳа»).

«МТ»чилар бундоқ сарасоф солиб кўрдилар. Бир-бирларига индамай маъноли қараб олдилар. Чамаси маъқул тушди шекилли. Бугун шу «бурк» билан ҳузурингизга чиқяпмиз. Олдинги «дўппимиз» ҳам бирёқаси қадрдон бўлиб қолган экан.

Лекин байрам-байрам-да! Унга нима деманг, охорлик ярашади.

Ҳимматингга балли, мусаввир укам! Содиқ мўйқаламингнинг битта ҳам туки тўкилмасин!

«МТ»

Барот БОЙҚОБИЛОВ

ҚУТБИ МИЛЛАТ

Соҳибқиронга

Амир ҳазратлари! Сизга қаламкаш
Дўстларим номидан тавба қилурман.
Бутун бир улусга буюк аламкаш
Бўлганингиз фақир яхши билурман.

Жаҳон айвонида бўлиб овора,
Мозийга, тарихга боқдик даргумон.
Огага кўрсатиб ўзни бечора,
Мадҳу сано айтиб, кутдик шуҳрат-шон.

Бир замон ўзбекка қасида ёзиб.
Табаррук номингиз олмадик тилга.
Таққирдан тоймадик сизни оқсоқ деб,
Золим эди дебон «дарс бердик» элга.

Дунёни титратган фотиҳ амир деб,
Бўҳтон тошларини отдик беомон.
Музаффар умрни элга қилиб зеб,
Улуғлаб, афсуски, солмадик сурон.

Рост гапни айтганда бир алломамиз,
Инжиган руҳингиз этганида шод,
Яқосидан олди не уламомиз,
Мансаб илинжида кутариб фарёд.

Сизга туҳмат қилган усди амалда,
Мукофот, унвонга кўрилди лойиқ.
Сиз тараф гўёки қолди қамалда,
Ҳимоя қилмади ожиз халойиқ.

Сизни бадном этиб назму насрда,
Илмда дарёни бурдик тескари.
Гарчи яшадик сиз кўрган қасрда,
Отага муносиб фарзанд сингари.

Ўзбек тарихидан ўчмади аммо,
Шаъну шавкатингиз офтоб мисоли.
Сиз бўлиб келдингиз элга доимо
Одил ҳукмдорнинг буюк тимсоли.

Аждоддан авлодга ўтди номингиз,
Наслларқалбида топди эҳтиром.
Машриқу Мағрибни тутди шонингиз,
Кўёшнинг нуридек, эй, зоти киром.

Не бахт, озод бўлдик оқибат биз ҳам,
Қутулдик ҳар қалай асрий зулмдан,
Аслимизга қайтдик эркин ва ҳуррам,
Асорат қолса-да ғайри тузумдан.

Кўрдошлар қатори фақир мукаррар
Руҳобод даҳасин зиёрат қилдим.
Ворислик бахтига бўлиб муяссар,
Гўри Мир пойида маҳзун эгилдим.

Гуноҳи азимдан фориғ бўлиб хос.
Не ажаб, покланса насли кўрагон.
Ҳазратга бўлгани муносиб ва мос.
Ўз қадрини билса аҳли Туркистон.

Ҳуррият субҳи бу — тавба фурсати,
Тазарру қилингиз азиз хилқатга.
Истиқлолга етган Ватан ҳурмати,
Фидойи бўлингиз қутби миллатга.

Оллоҳга минг шукр, Ўзбек сарвари
Қаддини тиклади Соҳибқироннинг.
У, буюк ҳалоскор Темур сингари
Музаффар фарзанди мулки Туроннинг.

Муаззам улуснинг соҳибдавлати,
Иқбол олиб келди ҳар хонадонга.
Яна қайтиб келди ўзбек шуҳрати
Шукуҳи оламтоб Ўзбекистонга!

БАРЧА ЁШ ДЎСТЛАРИМИЗНИ ЯНГИ ТАҲСИЛ ЙИЛИ БИЛАН ҚУТЛАЙМИЗ!



187 БАЛЛ ОЛГАН ЙИГИТЧА

- Элчиларга ҳавас қилардим
- Ҳақиқат бор, кираман!
- Фақат омаднинг ўзига ишониб ўтирманг
- Ҳар ким ўз ўрнида бўлсин!

Қаршимда ўз бахтиёрлигини камтарлик билан босиб турган ёш йигитча. Темур Саъдинов 1978 йилда туғилган. Шу йили пойтахтимиздаги 114-ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент Юридик институти давлат бошқаруви факултетининг 1-босқичига ўқишга кирди. Тест синовларидан муваффақиятли ўтди. Албатта, тенгқурлари ичида ундан кўпроқ, 200 дан ошириб балл олганлар ҳам бор. Аммо кўпчилик ўқишга кирганлар учун 170—190 балл — ўртача ўтиш балл ҳисобланади. Лекин шу ўртача «ўтиш» балли олиш учун у қанчалар меҳнат қилган. Бу чиндан ҳам унинг ҳаётдаги илк салмоқли натижаси, илк муваффақияти.

— Темуржон, талаба бўламан, деб ўйлаб юрган эдингизми? Кўнглингиздан нималарни кечирдингиз?

— Ҳали анчагача қандай имтиҳондан ўтганимни эслаб юрсам керак. Ҳозир сиз савол бераяпсизу, хаёлим ҳамон тест устида ўтирган пайтимда. Ҳаяжонларим босилган эмас.

Мен тайёргарликни декабр ойидан бошлаган эдим. Уйимизда шароит яратиб беришди. Тарих, инглиз тили, ўзбек тили ва адабиётидан бир неча китобларни ўқидим. Ота-онам, қариндошларимиз китоблар топиб беришди. Бир ўрганишга шўнғиб кетаман, бир келажагимдан умидланиб хаёл сураман.

— Касб танлаш қандай бўлган эди? Ота-онангиз маслаҳат беришдими ёки...

— Бу соҳага қизиқиш менда болалигимдан бошланган. Ўқувчилик пайтларим жамият ҳаётидаги ўзгаришлар, оиламизда бунга билдирилган муносабатлардан тасаввур уйғониб, давлат идораларида ишлашни орзу қилардим, бошқа мамлакатларга элчи бўлганларга ҳавасим келарди. Кейин энг аввало ҳуқуқни чуқур ўрганиш кераклигини тушундим. Мактабни тугатгач, маслаҳатлашиб, мен ҳам шу мутахассислик бўйича ўқишга ҳужжат топширдим.



— Имтиҳон олдидан иккиланиш бўлмадими? Киришингизга ишонганмидингиз?

— Ўқишга тайёргарлик кўриб юрганимда иккиланиб қолган пайтларим бўлган. Шунда агар киролмасам, кейинги йил яна шу ерга келаман, деганман ўзимга. Бизга «Маърифат» газетасида тест саволлари берилганлиги ёрдам қилди. Имтиҳонга кирганимда саволларни кўриб анча дадиллашдим. Уйга келиб жавобларимни қайта текшириб кўрдим. Кўпи тўғри эди. Ишонч пайдо бўлди.

— Шунча юқори балл олишнинг «сири» борми?

— Айтишларига қараганда, бу йил институтларга ҳар йилгидан кўпроқ кириш учун ариза тушган. «Сир» — узоқ, қунт билан тайёрланишда. Омадга ишониб ўтирсангиз, вақтингиз бекор кетади. Омад дегани, менингча, билим ва куч — бошқа нарса эмас.

Лекин қандайдир сабаблар билан ўқишга киролмай қолганлар бўлиши мумкин. Мен уларга умидларини йўқотмасликларини тилайман. Талаба бўлган дўстларимга эса, ҳар қандай ҳолда ҳам ўзига билдирилган ишончни оқлашини сўрайман. Ҳар ким ўзи банд этган ўринга лойиқ бўлсин.

— Келажакдан нималар кутаяпсиз?

— Мен мустақил ҳаётга энди кириб келаяпман. Орзуларим — бир дунё. Ўзим ва юртим келажаги порлоқ бўлишини истайман. Истакларим яратганнинг хоҳиши билан уйғун келсин ва шу юрт камолоти учун хизмат қилмоқ менга ҳам насиб этсин.

— Темуржон, суҳбатингиз учун раҳмат. Сизга янги таҳсил айёми муборак бўлсин!

Бектемир ПИРНАФАСОВ суҳбатлашди

ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛОВ

БИЗГА ВА БОБОЛАРГА ТЕГИШЛИ БАЙРАМ

Рост, шундай деб ўйлагим келади. Бу байрам бизнинг — йигирманчи аср сўнгида яшаётган ва истиқлол нималигини кўрган, билган, бошдан кечираётган одамларнинггина байрами эмас. Бу ноёб байрам яқин ва узоқ боболаримизнинг — ўтган замонларда яшаган, истиқлол ғояларини илк бор ўртага ташлаган, озодлик нималигини халқнинг онги ва юрагига сингдиришга уринган, ўзлари мустақиллик нима эканлигини яхши тасаввур қилган, лекин унга эришолмай ўтганларнинг ҳам байрами. Балки биздан кўра ҳам кўпроқ уларнинг байрамларидир. Ахир улар бу азим бинонинг пойдеворини қура бошлаганлар ва ишлари чала қолиб, ҳаммалари қизил ва оқ террорнинг ўқига учганлар.

Боболарим байрам қилиб келишаётир. Улар улуғ ва гўзал қурилиш майдонларига айланган, ҳақиқий пойтахт тусини олаётган, барча жаҳоннинг шукуҳли пойтахтлари қаторида туриш учун тер тўкиб меҳнат қилаётган, бунёдкорликка берилаётган Тошкентнинг боғлари, майдонлари, муаззам кўчалари — миллий ўзига хос қиёфа касб этаётган бозорлари, бинолар, боғлар ансамбларини кезадилар.

Улар бизнинг нигоҳларимизга ўрнашадилар. Бизнинг нигоҳимиз билан Ватан, миллат, жаҳон ишларига, воқеликларига назар соладилар.

Бизнинг нигоҳимиз билан қувонадилар.

Бизнинг нигоҳимиз билан бугун ва келажак ишларга разм ташлайдилар.

Бизнинг нигоҳимиз билан компютерларга тикиладилар.

Бизнинг нигоҳимиз билан Ўзбекистон ҳаётининг янги, олижаноб режаларини чизадилар.

Бизнинг нигоҳимиз билан жаҳонни сайр этадилар.

Онги ва қалбларини истиқлол тўлиқтирган боболарим руҳлари байрам қилиб келаётир. Байрамга келаётирлар.

Ана ҳаддан зиёд ўйчан, шодумонлигида ўйчан ва ўйчанлигида шодумон Беҳбудий — истиқлолнинг файласуфи — «Самарқанд» газетасининг сарғайган ва ҳамон таровати кетмаган саҳифаларини шалдиратиб кўтариб келмоқда. Унинг бутун хаёли ўз замонасига ва замонаси ошса келажакка — миллат ва мамлакатнинг келажагига қаратилган.

«Бир карра диққат ила шаҳарларга қаралсин,

Йигирма беш санадин бери нақадар мулкларимиз, нақадар савдо ва касбимиз бошқаларга ўтди.

Унлар биздан уриб олмадилар, ўқиб олдилар.

25 сана сўнгра на бўлур?

Мозий истиқболнинг тарозусидур.

Ҳар ким ўлчасун-да, билсун!»

1913 йил сентябр ойининг илк кунлари. Беҳбудий миллат фарзандларининг таҳсили ҳақида ўйга толган. Таҳсил! Таҳсил! Ҳамма нарса таҳсил билан бўлади! Мияларни ёритиш! Мияларнинг қопқаларини жаҳон илмларига очиш! Илмдан йўл солиб жаҳонга чиқиш! — Беҳбудий шуларни ўйлайди. Беҳбудий бугун шодумон. Бу шодликка арзигулик воқеа ҳам йўқ эмас. У мавлоно Камий Тошкандийдан мактуб олди. Мавлоно «Самарқанд» газетаси ва Беҳбудийни қутлаб мактуб йўллаганлар. Ҳассос шоирнинг мактуби Беҳбудий хотирасига муҳрланиб қолди. У Камий мактубининг андак туркиёна сўзларини такрорлайди:

«Фазилатлу, маорифпарвар афандим!

Бир қос ой ўлурки, муҳтарам «Самарқанд» газитаси тарафингиздан баъзи аҳболларимиза ирсол ўлунуб, олуб камол эҳтиром ила мутолаа ўлунур. Лекин бир тарафдан касрати ишғол, дигар тарафдан хасталик моне ўлуб, таб ҳол ғазита ва жаҳолатдин тахлис эндада ғазитадур. Иншоолоҳ таоло, мундин сўнгра мақолалар ёзуб турмаги ўзима лозим адо эдарам, шоир Камий Тошкандий».

Беҳбудий бу ажиб услубли мактубни хаёлида жонлантираркан, беихтиёр ҳужранишин, миллат ишига доим қойим ориф шоирни кўз ўнгига келтириб жилмаяди. Ва хаёлида унга жавоб йўллайди:

«Мурсалотингиз маъал мамнуният дарж ўлунуб, илтифотларина ташаккур қилинур»...

Беҳбудий Миллий боғ фавворалариди кезиб юраркан, шоир шукуҳи қошида теран ўйга толади. Ўтмиш ва бугун ҳақида фикрлар бири кетидан иккинчиси уланиб чарх ясайди. Авлонийнинг «Садойи Туркистон»да чиққан ўта қизиққон сатрларини эслайди. «Унутиш не?» «Унутмаслик не?» «Буларнинг ҳикмати қайда?» — деб ўзида туғилган саволларга жавоб ахтаради. Авлонийнинг «Унут» деган шеъри уни изтиробга солади:

«Ўрнашур жисмингга бир неча афъоли қабиҳ

Тўғри келмас бу замонга расми бобони унут...

Маърифат бозорида молинг сотолмайсан ғариб

Эски чироқ, эски чарху эски дўконинг унут...

Илму дониш яхши зийнатдур хотин-қиз аҳлина

Қўй қадам олам уйина тумор маржонни унут...

...изла дармон ва иложин чекма афғонни унут...»

Лекин унутиб бўладими? Халқ ўзига кераксиз бўлиб қолган, унинг ҳаракатига ҳалал бераётган, тўсиқ бўлаётган урф-одатларни унутиб, дарҳол янги ҳаётга қадам қўя олармикин? Ахир эскилик анъаналар жуда кучли. Уларнинг кўплари қон-қонга сингиб кетган. Инқилоб... Балки инқилоблар керакдир, деб хаёл суради Беҳбудий. — Лекин инқилоблар фақат ва фақат кишилар онгида бўлиши керак. Онгда инқилоб бўлмаса, қон тўкишлар, урушлар, талашлар беҳуда. Жуда ҳам беҳуда, дейди Беҳбудий ўзига ўзи.

Мен Беҳбудийнинг бу ҳолатини кўз ўнгимга келтираман-да, дафтаримда «Самарқанд» газетасидан олинган парча тагига ёзиб қўйилган бизнинг кунлар газетасида босилган сўзларга кўзим тушиб маюсланаман.

1992 йилда Николай Андреев деган мухбир Ўрта Осиёдаги ўзгаришлар ҳақида «Известия»да мақола билан чиқиб, чунончи, қуйидаги сўзларни ёзган экан: «Ислом мафкураси ишбилармонликни чеклаб қўяди, одамни ташаббус ва жасоратдан маҳрум этади...» «Баъзи идораларда мен Қуръон борлигини пайқадим. У Ленининг 55 томлигини сиқиб чиқарган. Бу идора эгаси чин диндор дегани эмас. Бу шунчаки бир нарса, хонанинг безаги, у жамиятдаги мафкуравий ўзгаришларни акс эттиради. Илгари Ленин эди, энди — Қуръон»... «Миллий ғоя омма ичига кириб боряпти, унда аламзадалик туғдиради, ғашлик, кин, адоват, очкўзлик ҳиссиётларини уйғотади»...

Бу муаллифнинг фикрича мустақиллик ва миллатпарварлик бошқаларни ғаним деб қарашга олиб келар эмиш.

Бу уч иқтибос тўлалигича империя мафкураси қарашлари ва уларнинг қаймоғини акс эттиради. Бунда ҳамма нарса тескари талқин этилади. Ислом мафкураси ҳеч қачон ташаббус ва жасоратдан маҳрум қилган эмас. У аксинча, ишбилармонликни рағбатлантиради. Одамни одамга хос муносиб яшаш таълимини беради. Аламзадалик, ғашлик, кин, адоват... наҳотки булар миллий ғоя ёхуд ғоялар билан боғланган, уларга заррача дахлдор бўлса?!

Қачон миллий ғоялар халқда бундай манфур қарашлар ва ҳиссиётларни уйғотибди? Қаерда?

Аксинча, адоват, кин, ғашлик, нафрат... — буларнинг бари империя таловлари, босқинчиликлари, ўзга халқларни қарамликка солишлари, ўзга халқларнинг ерларида ҳукмронлик қилишлари туфайлигина туғилади ва халқларнинг юрагига ўрнашади. Империянинг адолатсизликлари одамларда барча ёмон хислатларни уйғотади ва юзага қалқитиб чиқаради.

Бу хислатларнинг уруғи ҳеч қачон, ҳеч ерда миллий ғояларнинг тараққиётига боғлиқ бўлган эмас.

Аксинча, миллий ғоялар халқларни маърифатга, тараққиётга, эркинлик ва демократияга, биродарликка буюради, шуларга асосланади ва шуларни тарғиб қилади.

Миллий ғоялар ҳамиша бу — маърифат ва эркинлик, тенглик ғояларидир. Империялар разилликларини миллий ғоялар устига ағдариш ўта мўлтонилиқдир. Ва бундай фикрларнинг XX аср сўнгида ҳам айтилаётгани баъзи онглар оғир касалланганидан далолатдир.

Миллий ғояларни кўтариб чиққан боболарим ўз халқига ҳам, ўзга халқларга ҳам фақат яхшилик ва фаровонлик, озодлик, ҳурликни раво кўрган эдилар. Уларнинг улуғликлари шунда. Ўлмасликлари шунда!

Улар руҳининг бугунги шодумонлиги мустақилликда.

* * *

— Бизнинг байрамдан хурсандмисиз, бобо? — деб сўрайман Беҳбудийдан.

— Хурсанд бўлганда қандоқ! Бошим осмонга етди, болам! Бу бизнинг энг улуғ байрам! Байрам байрамдек бўлсин! Руҳлар ҳам сизлардан миннатдор! — дейди кўзлари чарақлаган ўйларга тўлган Беҳбудий.

Руҳлар сурур бирлан Ўзбекистон узра байрамга қўшилардилар.

МУҲАРРИР

МАЪНАВИЯТ – НОЗИК СОҲА

«Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат».

Абдулла АВЛОНИЙ

Маънавий бойлик жамиятни шакллантирувчи, бирлаштирувчи ва ривожлантирувчи омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам элсевар юртбошимиз И.Каримов «Юксак маънавият — келажак пойдевори» деб алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, маърифатли халқ — бахтли халқ, унинг истиқболи порлоқ; маърифатсиз халқ эса бахтсиз халқ, унинг келажаги чўлоқдир.

Тарихимиз шундай гувоҳлик берадики, биз Марказий Осиё халқлари Ер юзига кўплаб буюк олимларни етказиб берганмиз. Бунинг асоси бор, албатта. Илгари ҳам, ҳозир ҳам, истиқболда ҳам бошланғич мактабга алоҳида эътибор берилгани ва берилажаги ҳаммага маълум. Шу боис Ўзбекистонимиз буюк давлат бўлиши учун халқ таълими истиқлол режасини пухта тузишимиз, биринчи навбатда, бошланғич мактаб фаолиятини тубдан ислоҳлашимиз лозим.

Бошланғич таълим концепцияси (ғояси), ўқув режаси, дастур ва дарсликлари, таълим давлат стандарти мезонлари тузилиб, «Маърифат» газетаси орқали кенг жамоатчиликка маълум қилинади.

Келажак истиқлол режалари ва тамойилларида бошланғич мактабларнинг алоҳида бўлиши, мустақил фаолият кўрсатиши (мактаблар 100-150 болага мўлжалланиб, ҳар бир маҳаллада шарқона услубда бир қаватли мактаб бинолари қурилса) мақсадга мувофиқ бўларди.

Қадимий урф-одатлар, тарихий-миллий қадриятларни тиклаш, имон-эътиқодлилик тарбиясини такомиллаштириш мақсадида ҳар икки жиснинг тўлақонли ривож топиши, шаклланиши учун ўқув режалари ва дастурлари тузилиши, уларда болани ҳаётга тайёрлаш масаласини халқ педагогикаси анъаналари асосида бажарилиши ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўларди. Масалан, мавжуд ўқув режаларидаги жисмоний тарбия, меҳнат таълими ҳажми, мазмуни, шакли ва усулини ислоҳлаш, ўғил ва қиз болаларга ёшликдан эпчил ва бақувват идрокли, жасур бўлиб вояга етишларига имконият яратиш давр талаби ва ҳаётий эҳтиёж бўлиб қолди. Бундай таълим тамойилларини ҳаётга тезроқ татбиқ қилиш мақсадида бошланғич мактабларда фаолият кўрсатадиган муаллим ва муаллималар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Истиқболда бошланғич мактаблар хусусий, уч йиллик, тўрт йиллик ва беш йиллик бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Савод сабоғини оиладан бошламоқ зарур. Бу таълим тизимига тадбиркорлик руҳини жадал ва чуқур сингдиришни тақозо қилади.

Машғулотларда ахлоқий, руҳий, ақлий ва жисмоний камолот ва ҳунар ўрганишга (чеварлик, тўқувчилик, пазандачилик, қандолатчилик, дурадгорлик, наққошлик, ганчкорлик, дегрезлик, кибернетика, электроника ва ҳ. к.) диққатни кўпроқ жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим ва тарбия тизимида бобокалонларимиз Шермуҳаммад Мунис («Саводи таълим», 1803 йил), А.Мақсудий («Муаллими соний», 1892 йил), С.Саидазизов («Саводи аввал», 1902 йил), Ю.Шоший («Алифбо», 1903 йил), А.Авлоний («Биринчи муаллим», 1913 йил), А.Зоҳирий («Имло» 1916 йил), Элбек («Битик йўллари», 1919 йил), Ш.Раҳимий («Совға» алифбо дарслиги, 1919 йил) ва бошқа баркамол, маърифатпарвар аллomаларимизнинг илмий-педогогик фаолиятларини ўрганиш, улардан қолган панд-насиҳатлар, илмий-назарий йўриқлар ва тамойилларга амал қилиш, миллий ва истиқлол тарбия ғояларини рўёбга чиқариш ҳам вазифамиз, ҳам бурчимиздир.

Эътиқодли комил инсон тарбияси ҳақида С.Саидазизов шундай деган эди: «Комил инсон бўлмак учун аввало илм, андин сўнг одоб ва поклик лозимдурки, нопок ва беодоб одам мулла бўлмас, мулла бўлса ҳам онинг илмидин манфаат жуда оз бўлур».

Давр тақозосига кўра биринчи синфдан бошлаб, ҳафтасига бир соат «иймон дарси» ўтиш ва жума кунини маърифат куни деб эълон қилиш истиқлол мафкураси талабига айни жавоб бўларди.

Болаларни ўз ўлкаси, табиати, тарихи, маданияти, урф-одатлари, бой анъаналари билан яқиндан таништириш мақсадида 1-синфларда ноқ ҳафтада 1 марта, 2-3-синфларда эса 2 ҳафтада бир марта сайр-саёҳатларга олиб бориш зарурлиги, бунинг учун моддий таянч яратиш, оталиқ ташкилотларни бу хайрли ишга жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Ҳатто халқ таълимига ҳомийлик қилган корхоналар, ташкилотлар, фирмалар, ширкатлар ва бошқа хўжаликларни давлат солиғидан озод этиш фойдали бўлур эди.

Оила иқтисоди, ижтимоий экология ва маърифат таълимининг ўқув дастурларида кенг ёритилиши, саранжом-саришталик, «ювол», «исроф» каби тушунчаларни амалий машқлар воситасида сингдириш каби масалалар ўқув режасига киритилиши лозим.

Бошланғич синфларда дарслар бир неча фанни жамлаштирган ҳолда мужассам тарзда ўтказилиши тажриба, синов ишларида яхши самара бераётганлигини ҳисобга олиб, муштарак фанлар мажмуасини яратиш керакки, улар болажонларимизга завқ-шавқ бағишлаши, уларни толиқтирмаслик учун ўйин, мусиқа машғулотларга кенг ўрин берилиши, кўплаб ўйинчоқлар ва тарбиявий материаллар билан таъминланиши керак.

Бошланғич таълимнинг янги босқичга кўтарилиши, янги тизим жорий этилиши асосида келажакда «Шодлик мактаби»ни яратиш, унда фарзандларимизнинг яйраб-яшнаб, эркин-эмин таълим-тарбия олишларига эришиш лозим.

Қумри АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Педогогика фанлари илмий тадқиқот институтининг бошланғич таълим назарияси бўлими мудири, педогогика фанлари доктори, профессор

Ёш мухбирнинг илк мақоласи

ЎЙИНЧОҚНИНГ ҲАМ ТИЛИ БОР

Дунёга ҳайрат кўзи билан талпинган гўдакнинг гоҳида битта шиқилдоқ ўзига тортиб олишини биламиз. Баъзида опаси, акаси, ҳатто онаси овутолмаган болани кичкинагина ўйинчоқ овутишга қодир.

Резина ёки темирдан, гоҳида бир парча матодан ясалган жонсиз қўғирчоқда шунчалар сеҳр, қудрат борми?! Демак, гўдаклар назарида ўйинчоқлар оналардан ҳам, атрофдаги гўзал табиатдан ҳам устун тураркан-да! Шундай бўлгач, митти одамларнинг ўсишида, дунёқарашининг шаклланишида ўйинчоқларнинг тарбиявий аҳамияти беқиёс.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли Республика мактабгача тарбия муассасалари раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш курси қошида очилган «ЎЙИНЧОҚЛАР КЎРГАЗМАСИ»ни томоша қилган катта кишилар ҳам ўз мавқеини, ёшини унутиб, беихтиёр ўйинчоқлар оламига кириб кетдилар...

Шинамгина хона. Биридан-бири чиройли, жонлидек ўйинчоқлар уч катта гуруҳга бўлиниб саф тортган. Энг жозибалиси болалар боғчаларининг тарбиячилари ўз қўллари билан ясаган ўйинчоқлар. Улар бир қарашда содда, лекин меҳр, ҳафсала маҳсули. Бу қўлбола ўйинчоқларнинг энг қимматли томони шундаки, уларда миллий руҳимиз, миллий ҳаётимиз, дид-фаросатимиз акс этиб турибди.

Чўп, пахта, ип, қоғоз, лой ва ҳар хил лахтаклардан ясалган чиройли қўғирчоққа қараб туриб болалигим эсимга тушди...

Беш ёшга тўлган куним дадажоним бўйим баробар қўғирчоқ совға қилганди. Ўшанда биринчи марта етакласа юрадиган, тугмачасини босиб қўйилса гапирадиган қўғирчоқни кўрган эдим. Шу сабабданми билмадим, кундузи кўзига термулардим, кечалари ёнимда олиб ётиб алла айтардим. У эса бижиллаб гапирарди. Унинг ширали гапларини ҳеч ҳам тушунмасдим. Тўхтаб қолса, қорнига ўрнатилган лаппагини айлантириб қўяр эдим. Қўғирчоқ эса гапираверар эди. Мен эса кўзларига тикилиб тураверар эдим. Билсам, у русча гапирадиган қўғирчоқ экан. Ўшанда мен қўғирчоғимнинг гапларига тушуниш учун рус тилини ўрганишга ҳаракат қилдим. Қаранг, оз бўлмаса шу митти қўғирчоқ мени бошқа тилга, бошқа халқ ҳаётига тортган экан. Бу билан мен ҳамма ўйинчоқларимиз фақат ўзбек болалари тимсоли бўлиши шарт демоқчимасман.

Зотан, кўргазма ташкилотчилари ҳам бу масалага кенг ёндашган. «Ўйинчоқлар кўргазмаси»нинг иккинчи қисми Ўзбекистон корхоналарида ишлаб чиқилган ўйинчоқлардир. Улар орасида қўзичоқлар, айиқчалар, гул қолиплар, велосипедчалар, ҳалинчаклар... Лекин Ўзбекистон корхоналари яратган ўйинчоқларнинг кўпи ҳануз маҳаллий муҳитимиздан йироқ: қўғирчоқ қизчалар кўм-кўк кўзларини жовдиратиб, сариқ сочларини селкиллатиб, атлас кўйлакли тарбиячиларга қараб ҳайрон бўлиб туришибди.

Кўргазма ташкилотчиси, Мактабгача тарбия муассасалари раҳбар ходимларининг малакасини ошириш курси директори Манзура Солиҳованинг айтишича, энг яхши деб топилган ўйинчоқлар кўплаб нусхаларда ишлаб чиқаришга тавсия этилади.

Замонавий талабларга жавоб берадиган юқори сифатли ўйинчоқлар кўргазмада яққол кўзга ташланиб турибди. Улар чет эл маҳсулотлари: ўзи юрар поездлар, учқур самолёт-ракеталар, юмшоқ материаллардан ишланган оппоқ кучукчалар, айиқчалар, энг қизиқарлиси, танаси одамники каби чақалоқлар...

Кўргазма очилиши маросимидаёқ республикамиз болаларига қайси турдаги ўйинчоқлар кўпроқ ёқиши сезилиб қолди. Республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев иштирокида ўтган давра суҳбатида ўйинчоқлар масаласи билан бир қаторда Республика болалар мактабгача тарбия муассасаларининг қатор муаммолари ҳам муҳокама қилинди. Маълумки, айни кунларда республикамизда 8678 та тарбия муассасалари мавжуд. Улардан 4741 та боғча Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, 3695 таси Халқ таълими вазирлиги, 130 та боғча Ўздавпахтасаноатсотиш, қолганлари бошқа вазирликлар тасарруфида. Шу сабабли малака ошириш курсининг моддий техника асоси бир неча вазирлик ҳамкорлигида шакланмоқда.

— Яқин келажакда курсимизни республика Мактабгача тарбия муассасалари раҳбарлари малакасини ошириш институтига айлантирмоқчимиз, — дейди М. Солиҳова. — Тўрт йилда бир марта бўладиган ўйинчоқлар кўргазмасининг биринчи намойиши мустақиллик байрамимизга бағишланади.

Мазкур курс бозор иқтисодиёти бошланган даврларда тўхтаб қолган экан. Ҳозир у қаддини ростлаб бораяпти. У билан бирга боғчаларимизда миллий руҳ, болаларимиз қалбида миллий ғурур ҳам қад ростлаяпти. Ишонмасангиз, Тошкент шаҳри, Сайид кўчаси, 6-уйда очилган кўргазмага бориб ўйинчоқлар даврасида бўлинг. Ўйинчоқларнинг ҳам дили, ўзига хос тили бор. Ҳамма гап уни англашда!

Мунаввара ПИРМАТОВА

БИРИНЧИ БОСҚИЧ ЯКУНЛАНДИ

Маълумки, шу йилнинг 3 июн куни Тошкент Шаҳрида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг таъсис қурултойи ўтказилиб республикамизда тўртинчи сиёсий партия тузилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Адлия вазирлигида Миллий тикланиш демократик партиясига расмий гувоҳнома топширилди.

Орадан ўтган давр орасида республикамизнинг барча вилоятларида ва Тошкент шаҳрида партиянинг таъсис конференциялари бўлиб ўтди, вилоят партия ташкилотларининг раҳбар органлари, ҳайъат аъзолари, раёсати, тафтиш комиссиялари сайланди.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган таъсис конференцияларда сайланган Раёсат гуруҳлари, уларнинг раислари ва раис ўринбосарлари асосан шу вилоятлардаги таниқли олимлар, профессорлар, доцентлар, турли идора раҳбарларидир.

Эндиликда вилоят партия ташкилотлари ўзларининг ҳисоб рақамларини очиб, муҳр, штамплари ва бошқа тегишли ҳужжатларни рамийлаштирмоқдалар.

Вилоят партия таъсис конференцияларида делегатлар томонидан айтилган фикрлар, таклифларни таҳлил этадиган бўлсак қуйидагиларни таъкидлаш лозимдир. Аввало сўзга чиққан депутатлар мамлакатимизда олиб борилаётган кўппартиявийлик сиёсатини қўллашларини баён этдилар. Шу билан бирга Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясини ташкил этилгани республикамизда демократик давлат қуриш кўринишларидан бири эканлигини айтиб, партия келажакда Ўзбекистонни жаҳонда ривожланган давлатлар қаторига кўтаришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшажагига ишонч билдирдилар. Конференцияда сўзга чиққанлар мазкур партия зиёлилар партияси эканлиги, унинг ҳайъати сафларида атоқли олимлар, халқимизнинг севимли шоир ва ёзувчилари, таниқли маориф, фан ва маданият ходимлари борлиги ишларни муваффақиятли олиб боришда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Ўтган 3 ой давомида Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъати томонидан амалга оширилган ташкилий ишлар қаторига партиянинг «Миллий тикланиш» ҳафталик газетаси мунтазам чиқиб тургани, жиддий ғоявий-маърифий муаммоларни ўртага ташлаётгани алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Газетанинг шу кунгача 12 та сони нашр этилиб унда Республикамизнинг иқтисодчи, физик, тарихчи, файласуф, филолог олимлари, партиямизнинг фаоллари, ўқитувчилар, маданият ходимлари ва бошқа зиёлилар ўзларининг илмий, амалий мақола, хабарларини эълон қилдилар. Газетанинг мунтазам чиқишида республикамиз матбуот жонкуяри Ислом Шоғуломовнинг ҳиссаси алоҳидадир.

Ҳозирги вақтда вилоят ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларида олиб борилаётган ташкилий ишларга келсак буларда ҳам ҳисоб рақамларини очиш, жой масаласини ҳал этиш, район ва шаҳарлар партия ташкилотларини тузиш ишлари бормоқда. Бу ишларда вилоятлардаги раҳбар органлар кўппартиявийлик сиёсатини тўғри тушунган ҳолда имкон борича янги партияга жой ва бошқа масалаларда ёрдам беришга ҳаракат қилмоқдалар.

Ана шундай ташкилий ишларни амалга оширишда Сирдарё вилояти партия ташкилоти ишини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Бу ерда ҳозирги пайтда барча район ва шаҳарларда партиянинг таъсис йиғилишлари ўтди.

Партиянинг навбатдаги ташкилий ишларидаги долзарб масалалар нималардан иборат?

Вилоят партия ташкилотлари Раёсатлари ўзларининг аниқ иш режаларини тузишлари ва буларда вилоят партия ташкилоти ҳайъати пленумлари, Раёсат йиғилишлари ва бошқа амалий ишлар: давра суҳбатлари, саволжавоб кечалари, тантанали анжуманлар, илмий-амалий конференциялар ўтказишни акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Партия ташкилотларининг иш режалари, ўтказадиган барча тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларидан келиб чиқиши, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, Ватаннинг асл моҳиятини ҳар томонлама очиб беришга ва унга муҳаббат уйғотишга, бутун инсоният эъзозлаган қадриятлар асосида миллий камолот йўлини белгилашга, кучли демократик давлатни барпо этишга, миллий тафаккурга кенг йўл очишга, миллатнинг илмий техник салоҳиятини юксалтиришга, ёш авлод тарбиясига бағишланмоғи лозим.

Партиянинг ташкилий ишлари ҳақида гап юритилар экан партия йиғилишлари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Маълумки, партия йиғилиши — ўзига хос бир тадбирдир. Лекин бундай йиғилишларни бўлса-бўлмаса одамларни ишдан қўйиб мажлисбозликка берилиб кетмай зарур бўлганда ўтказиш, режадаги энг муҳим долзарб масалаларни кўпроқ давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари, мутахассислар, олимлар, халқ депутатлари, маданият, санъат ходимлари билан учрашувлар ўтказиш орқали ҳар томонлама муҳокама қилиб бориш мақсадга мувофиқ. Бундай тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилиши лозим. Шундагина партия ташкилотларининг ўз аъзолари билан мустаҳкам алоқаси шаклланади.

Вилоят, район, шаҳар партия ташкилотлари ҳар бир ишда ташаббускор бўлиши, юқоридан кўрсатма берилишини кутиб ўтирмай жанговарлик ва ташаббускорлик билан ишлаш керак.

Партияга аъзолик масаласи ҳақида шуни айтиш мумкинки, Миллий тикланиш демократик партиясига кирмоқчи бўлган ҳар бир шахс шу партиянинг Дастур ва Устави билан яқиндан танишган бўлиши керак.

Шу кунларда Марказий ҳайъат ўзининг навбатдаги пленумига тайёрланмоқда. Унда «Миллий тикланиш — истиқлол хизматида» деган масала муҳокама этилади.

Тошпўлат ТОШЛОНОВ,
Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъати раисининг ўринбосари.

«ОЗОДЛИК» РАДИОСИГА ХАТ

Боши биринчи бетда

роқ бартараф қилиш йўлларини дўстона равишда кўрсатсалар, жўяли бўларди.

Радиомунаққидлар Ўзбекистон гоҳ Туркия, гоҳ Жанубий Корея ва гоҳ бошқа мамлакатларнинг йўлларини танлаяпти деб қоралашга уринадилар. Тарихдан маълумки, у ёки бу мамлакат янги тузум ва ҳаётни қуриш жараёнида турли йўлларни ва тажрибаларни синовдан ўтказиб кўради. Ўзбекистонда ҳам худди шу тарзда иш юритилиб, ниҳоят мамлакатнинг ўзига хос ва мос йўли шакллантирилди. Хўш, буни нима ёмон томони бор? Албатта, йўқ.

ТЎРТИНЧИДАН, яна радиомунаққид бошқа бир чиқишида Ўзбекистонда том маънодаги сиёсий арбоб ҳали етилгани йўқ, раҳбариятда эса ҳамон «хушбичим» (?) одамлар ўтирибди деб висирлайди. Ҳозирда бундай бачкана таъриф-тавсифлар айтгувчининг ўзига қизиқ туюлмаса, бошқаларга беҳуда бир сўзбозлик каби англанади.

Рост, ҳозирги мустақил республикаларнинг президентлари ва бошқа масъулиятли раҳбарларининг кўпчилиги совет даврида етишган ва ўша даврда хизмат қилган кишилар. У вақтлар раҳбар етишадиган бошқа йўл ҳам йўқ эди. Улар аслида кучли салоҳият, тажриба, инсоний камолатга эга бўлганликлари боис ўз халқларига ва ватанларига фарзандлик бурчин ўтаб мустамлакачиликка ва миллий зулмга қарши ҳаракатларга бошчилик қилиб мустақилликни тикладилар. Ахир бу таҳсинга лойиқ катта жасорат ва миллатпарварлик эмасми? Шундай бўлгандан кейин уларнинг мустақиллик йўлида қадам-бақадам олиб бораётган улуғ ишларини тан олмаслик, менсимаслик адолатдан ҳамда инсофдан эмас. Аксинча кимки мустақилликни тиклашга жонини тиккан бўлса, уни абадулабад қадр-қимматини ўрнига қўйиш ва оммалаштириш ҳам қарз, ҳам фарздир. Бу борада айниқса, Президент Ислом Каримовнинг жўшқин фаолияти ва тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Бировлар хоҳлайдими-йўқми, барибир, И. Каримов ҳозирги мустақил Ўзбек давлатининг асосчиси сифатида тарихга кирди. Буни ҳеч қандай куч ўчира олмайди.

Ҳамид ЗИЁЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

Тарих — ибрат

- «Тарихи Жаҳонгирий»нинг қимматли саҳифалари
- Чиғатой ва ўзбек султонларининг ажиб одатлари
- Бундан қарийб 500 йил муқаддам Гўримир қандай бўлган эди?
- Улуғбек Мирзонинг Самарқанддаги иккинчи мадрасаси
- Тўп ўқига учган Тўлак тўпчи

ТЕМУРГА ТЕГМАНГ!

Камина 1994 йил ёзида Буюк Британияда уч ҳафталик илмий сафарда бўлдим ва у ердан Улуғбек ижоди ва умуман темурийлар даври илми ва тарихига оид қатор қўлёзмаларнинг микрофилмларини келтиришга муяссар бўлдим. Булар орасида тарихимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган «Тарихи Жаҳонгирий» номли асар диққатга сазовордир. Муаллиф асарнинг номини келтирганидан сўнг асар «чиғатой ва ўзбек султонларининг ва ҳамда улар давридаги ўзбек шоирларининг табақотларини ўз ичига олади» дейди.

Муаллифнинг номи Мутрибий ал-Асамм бўлиб, асарнинг ёзила бошлаган пайти, ҳижрий «минг ўттиз тўртинчи йил ражаб ойининг бошида», яъни 9 апрел 1625 йили ёши олтмиш саккиздан олтмиш тўққизга ўтганини айтган. Бу ҳолда унинг ҳижрийда туғилган йили 966 ва мелодийда 1558/59 йилга тўғри келади. Демак, асарни ёзаётганида у тўлиқ шамсий 66 ёшни яшаганлиги англашилади.

Муаллиф ўзининг асл ватани ҳақида ҳам хабар беради. У «доимий ватан балдаи фохира Бухородан беихтиёр Ҳиндистонга кўчдим» дейди. Лекин у «беихтиёр кўчишнинг» сабабини айтмайди.

Бундан кейинги хабарида Мутрибий асарни икки силсилада ёзишни мўлжаллаганини ва биринчи силсилани чиғатой султонлари ва шоирлари ҳақидаги маълумотларга бағишлаганини, иккинчи силсилада эса ўзбек султонлари ва улар давридаги фозиллар ҳақида баён қилажағини айтади.

Муаллиф асарини уни ўз паноҳига олган «Нуруллоҳ вад-дин Жаҳонгир подшоҳ ибн Жалолиддин Акбар подшоҳга», яъни Бобур Мирзонинг неварасига бағишлаган бўлса ҳам, унда асосан Туркистондаги воқеалар ҳақида баён қилинади.

Форс тилида ёзилган ушбу асарнинг тўлиқ таржимаси ва тадқиқи келажакка тааллуқ бўлса ҳам бу ерда унинг бир парчасига ўқувчининг диққатини жалб қилмоқчиман. Бу парча Гўримир мақбара-дахмасининг вайрон бўлмасидан илгариги асли кўринишининг тавсифини ўз ичига олгандир. Бу парчанинг қимматини янада оширувчи бир хусусияти шуки, унда муаллиф мазкур дахма ансамблида Улуғбек иншо қилган мадраса бўлганлиги ва бу мадрасада талабалар 1625 йил атрофида ҳам ўқиганликлари ҳақида хабар беради.

Ундан ташқари дахманинг гумбазига осилган қандил можароси бу парчанинг энг муҳим ери деб ҳисоблайман. Ана шу можаро ушбу мақоланинг номига сабаб бўлди. Изоҳлардан қутулиш учун тушунтириш жумлалар ва рақамларни тегишли жойида қавс ичида келтирилади.

Ўйлайманки, Гўримир мақбарасини таъмирлаш учун қуйидаги парча фойда келтиради:

«Тарих тўққиз юз саксон иккида (мелодий 1574/75) Жувонмард Алихон (Шайбоний) салтанати кунларида бу подшоҳ ғозий (Акбаршоҳ Бобурий) Самарқандга бир фил олтин юбордики соҳибқироннинг дахмасини таъмирласинлар деб, чунки у унинг буюк ва мўътабар аждоди эди. Бу дахма шундай дахмаки, унинг олдида Навшервони (Одилнинг) дахмаси ҳайрат бармоғини тишлайди. Бу дахма Гўримир номи билан машҳурдир. У Самарқанд шаҳрининг жануб томонида Чақар деб аталган ерда жойлашган.

Бу машҳур дахманинг кириш жойи шаҳарнинг шимолий қутб томонида бўлиб, дарвоза ва гумбаз билан бошланади. Агар унга кирилса, кенг ҳовли кўринади, унда мевали ва мевасиз дарахтлар бор. Ундан чап тарафда бир ҳовуз бўлиб, мисли кавсардек зилол сувга тўла. Бахт нишон подшоҳ жаннатмакон Бобур подшоҳ замонидан бери нишонланадиган бир одатга кўра, Самарқанд аҳли эркагу хотин байрам ва наврўз кунлари ҳар ҳафтада тўрт кун шу ҳовлида тўпланадилар ва сўнг ҳаммалари таҳриқадор (идишларда олов билан) яна Самарқандга қайтадилар.

Шу тариқа то Ибодуллоҳ ибн Искандархон, яъни Иса Абдуллахон Ўзбекнинг укаси салтанати замонигача сулук бўлди. Ҳожибий Оталиқ дўрмон ҳокимияти замонида бунинг ҳукми билан бу одат бартараф қилинди. Бунинг сабаби шу эдики, халойиқ тарки адаб қилиб, кўнгил очиш учун мунаввар дахманинг тепасига чиқа бошлаганлар. У амир бу муомалани аввал тўхтатди, бир кундан кейин ҳукм қилдики, энди халойиқ бу ерга йиғилмасунлар деб. Шу тариқа бизнинг кунимизгача тарк эди. Аммо яқинда буюк амир Надр Девонбегиким, ҳозир Туронннинг подшоҳи Имом Қули Баҳодурхоннинг ҳукми билан Самарқанднинг ҳокимидир, ҳукм қилдики, «Ҳар ҳафтанинг сешанба куни қадимги подшоҳларнинг дастури билан мардум ул манзили табаррукда йиғилсунлар. Лекин шу шарт биланки, ҳеч киши ул мутабаррук дахманинг устида кўнгил очмайдилар. Агар кимки бу ҳукмга хилоф иш қилса, уни ўша ердан ташланади».

Агар бу ҳовлига кирилса, Амали абдуз заиф Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Банно ал-Исфаҳоний. Бу ёзувнинг остида икки табақалик (эшиклик) дарвоза бор, унинг сирти сайқаллик пўлат тангалар билан қопланган ва кандакорлик билан безатилган. Уни табақа тепасида ўнг саҳифасида (юзида) битилган: Ал-мутаваккал 'ала ал-малик ад-дайён. Шунингдек чап табақасида битилган: Амир Темур Гурагон. Бу дарвозанинг икки тирсагида икки баланд сафиҳа ўрнатилган бўлиб, улар жило берилган мусаффо оқ тошдан ясалган.

Бу дарвоза билан муттасил масжиди олий қурилганки, халойиқ бу масжидда кеча-кундуз беш вақт намозни адо этадилар.

Боқихон Хожа Ғаний Тошкандийки, қутбул аброр ҳазрат Хожа Аҳрор, тақаддаса сирруҳунинг набираларидан бири эди, салтанати замонида бу масжид билан муттасил қилиб, унинг қибласи тарафида узун ва кенг айвон бино қилдилар. Ҳар жумъа куни халойиқ у ерда намози жумъани ўқийдилар. То шу вақтгача бу иморат ободдир. Бу тариқа ҳам маслукдир.

Агар мазкур дарвозадан кирилса, яна ҳовли кўринади, шакли мураббаъ (квадрат). Унинг деворлари ниҳоятда баланд, тахминан қирқ газ (20 м.). Эни ҳам шунга ўхшаш қиёс қилинади. Унинг уч рукнида уч минора бор, бири гулдастасиз ва тепасида кошин битик бор: Ал-абд юдаббир ва Аллоҳ юқаддир (Банда тадбир қилади, Аллоҳ тақдир қилади). Бошқа икки минора гулдасталик ва гулдасталарининг атрофида оқ кошин билан битилган: Иннаҳу Аллоҳу ва ло савоҳу ва ло наъбуду илло иййоҳу (Аллоҳдур у ва унинг тенги йўқ. Биз ундан бошқага ибодат қилмаймиз). Миноралар-нинг зиналарида оқ, кўк ва тиштa ҳужраси бор. Унинг икки тарафида икки баланд гумбаз бино қилинганки, гумбазларнинг остида чиғатой подшоҳзодаларининг гўрхонаси бор.

Бу ҳовлининг ўнг қўл тарафида дарвоза бор. Гумбазнинг ичида бу дахманинг ошхонасидир. Унинг бир нечта ҳужраси бор. У ерда бир катта қозон борки, унда ҳар куни фақирлар, дахмадаги мужтаҳидлар ва мадраса талабалари учун таом пиширадилар. Бу ҳовлининг пешгоҳида подшоҳлар бошининг тепасида бир тоқи бор бўлиб, бу тоқи масжид вазифасини ўтайди, халойиқ у ерда намоз ўқийдилар. Бу тоқи билан муттасил бир эшик, кенг ва узун даҳлиз бор тўрт гумбазли. Агар унга кирилса, бу даҳлизнинг пешгоҳида, ўнг қўл тарафда икки табақалик бир эшик бор. У шамшод ёғочдан ясалган, фил суяги, қора ёғоч ва тилло билан мозайка қилиниб, шу қадар жило берилганки, агар уни мушоҳада қилсангиз, ундан нур ёғади. Эшик ўнг табақасининг сафиҳасида битилган: Йо мифтоҳул абвоб! (Эй эшикларни очувчи!). Чап сафиҳада битилган: Йо мусаббаб ал-асбоб! (Эй сабабларнинг сабабчиси!). Бу эшикдан — ташқаридаги икки зина мармар тошдан ишланган.

Ичкари кирилса, бу мунаввар ва мутаҳҳар дахманинг ўртасида оқ тошдан ясалган панжара ва уларнинг буюк подшоҳларининг сернур қабрлари туради. Бу панжаранинг атрофида тўрт тоқи ўрнатилган. Энг баланд олдинги тоқида ҳазрат амир алмўъминин Усмон, разий Аллоҳ анҳунинг Каломуллоҳи баланд лавҳага қўйилган. Бу кўфа хатида битилган мусҳаф бўлиб, шакли узун кемага ўхшаган ва унда ҳазрат амир, разий Аллоҳ анҳунинг яшил хат билан ичкарида нақшли қилиб битилган: Йо ҳаййун, йо қайюм, йо карим, йо раҳийм!

Бу ҳовлининг чап қўл тарафида эшик ва даҳлиз кўринади. Агар кирилса, бу мадраса бўладики, уни султон Улуғбек Гурагон бино қилган. Унинг икки ошиёна(зол)си бор, тўрт тоқилик, ҳаммаси кошинкор ва нақшинкор. Тоқилардаги китобасида ушбу сура: «Инно фатаҳно ва аммиҳ ва таборак» ёзилган. У ерда қарийб олтмиш таҳрирни, елимлашни, бешдан бирини, ўндан бирини, лавҳни, жадвал ва жилднинг ҳаммасини у ўзининг муборак қўли билан қилган. Улар бу дахмаи табаррукнинг вақфига берилган. Бу равзаи мутаҳҳаранинг деворлари ҳаммаси тилло юритилган оқ тошлар билан безатилган. Бу дахманинг гумбазининг шипи тилло суви, ложувард ва жезлар билан нақшланган. Унинг атрофида рангоранг шишадан шаъмдонлар ўрнатилган.

Агар эшикдан кирилса, чап рукнда бу дахманинг соғонаси турибти, лекин унинг ичида нима борлигини ҳечким билмайди.

Бу дахманинг тепасида баланд рухдор гумбаз қурилган, ҳаммаси кошинкор рангли. Гумбазнинг авжи баланд ва бақувватдир. Бундай зийнатли ва яхши нарсанинг бирор жойида (меъмор ҳақида) нишон қолдирилмаган. Унинг даврасига оқ кошин билан такрор қилиб: Албақо ли-Ллоҳ, Албақо ли-Ллоҳ (Аллоҳ боқий, Аллоҳ боқий) деб битилган. Бу ёзувнинг тепасида хуффий қалами билан сабзарангда битилган: Алқудрат ли-Ллоҳ, Ал-'узмат ли-Ллоҳ (Қудрат Аллоҳда, буюклик Аллоҳда).

Бу гумбазнинг бошига холис тиллодан ясалган қандил устувор қилинганки, унинг ёруғи атрофдан кўринади.

Султон Саъидхоннинг тўпчибошиси Мир Тўлак тўққиз юз етмиш бешинчи йилда (1567/68) маст ҳолатда бу қандили табаррукка туффанк (милтиқ)дан ўқ узди ва унинг юз эллик мисқолча (700 грамм) миқдорини шикастлади. У раҳматли амир Саййид Бараканинг ва ул подшоҳ (соҳибқирон)нинг — унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, — руҳониятидан балойи азимга гирифтор бўлди.

Унинг ҳалокати воқеаси бундай бўлди. Чиғатой подшоҳларининг қадимдан бери расми бўйича шундай бўлган эдики, наврўз кунида Мирзо Улуғбек расадига кўра бир тепалик устига сигир шаклида нишона ўрнатиб, уни тўпдан ўққа тутардилар. Шунга ўхшаш ҳолат юз бериб, наврўз бўлганида Султон Саъидхон Ҳумоюн мавкиби била нузули ижлол қилғонида ўзининг чиғатой подшоҳларидан эканлигини исботлаш учун уларнинг дастурига кўра амал қилиб, фармон қилдиким: «Сигир нишона ясаб, уни тўпдан ўтга тутсунлар!». Бу иш тўпчибошига тааллуқ эди. Яна ҳумоюн ҳукм бўлдики, «Мир Тўлак сигир нишона ўрнатиб тўп отсун!». Фармон била амал қилиб, у ўн учта ўқ ясади. Тўпнинг ҳар ўқи шу қадар оғир бўлдики, унинг иккисини бир туя кўтарди.

Ўн учта ўқ оғирлигидан сигир нишонга бориб етмаганидан сўнг Султон Саъидхон хафа бўлиб, дедики: «Яна бир ўқ ясанг, ундан бошқа ясаманг».

Тўпнинг ичига дорисини солиб, тошдан ўқни ҳам ясади. Сўнг бир хода келтириб, у билан тўпнинг ичига ўқни маҳкам ўрнатмоқчи бўлган эди, худди шу пайт ё тўпнинг оташхонасида ўт қолганмиди ёки ғайбдан оташ келиб унинг ичига туштими, дорини ўт олиб, тошни отди ва у Мир Тўлакга етди ва уни ҳавога элитди. Ва шундай бўлдики, унинг бурда-бурда гўштларини ҳар ердан топдилар. Бу ҳолатдан наврўз байрамгоҳларига азим даҳшат тушди, гўёки қиёмат қоим бўлганидек. Ҳамма халойиқ бу воқеани ўша табаррук қандил билан қилинган бефайз ҳаракатдан келиб чиқди, деб тушундилар. Рубоий:

Худо бандалари пинҳона ўқ ясадилар,
Безаҳмат ўқ ва бегумон ясадилар.
Бирига ботиндин ажални тез келтурдилар,
Ўшал куни нокаслар касри билан ясадилар.

Мен банда ўшал кун ўшал воқеада ҳозир бўлдим ва ўшал ҳолатни ўз кўзим била мушоҳада қилдим. Мир Тўлакнинг қабри Самарқанд шаҳрининг ичида. Ул мазор ғоят маълум ва машҳурдир.

Аммо Жувонмард Алихон подшоҳи ғозий (Акбаршоҳ) юборган олтинларни мадраса, ҳовли ва минора ва ҳавзларнинг иморатига сарфлади. Пулнинг ортганини ўша табаррук манзилдаги мавлонолар, талабалар, қорилар ва фаррошларга муқаррар қилди. Ва ҳар куни домдод намозини адо этгандан ва «Ясин» сурасини қироат қилгандан сўнг ўшал манзили мутабаррукнинг ходимлари билан қайнатма шўрва таомини тановул қилган. Кечалари табаррук дахмада мўм шаъмлар ва равшан қандиллар ёндирди. Бу вазифа бир муддат амал қилиниб турди. Аммо мазкур хон қатл қилинганидан сўнг Ибодуллоҳ Султон салтанати даврида у одат тўхтади. Сўнгра султонларининг олийсифатлари ҳам, пастлари ҳам бепарволиги сабабли у табаррук манзил қаровсиз қолди.

Мазкур султон қатл қилинганидан сўнг унинг укаси Абдуллахон мағфур ул табаррук манзилнинг вақфларини қўлга олди, кўп олтин тўплади ва уни таъмирлаб, пул билан таъминлади ва уни аввалгидан ҳам яхшироқ қилди. Унинг ҳаёти даврида у табаррук манзил ғоят обод ва дам оладиган жой бўлди.

Мазкур хоннинг вафотидан сўнг то шу бахтли кунгача унга яна путур етди. Бу кунларда Саййид Саҳиҳ Мир Баракаи Бухорийким, ул кишим Амир Саййид Кулолнинг авлодларидан, Ҳиндистондан келдилар ва бисёр кўп тилло келтирдилар ва сарфлар мудири Тожиддин Ҳасан Хожа ва Сирожиддин Абдурраҳим ул табаррук манзилнинг баъзи жойларини зўр иҳтиром била таъмир қилдилар. Мавлонолар, талабалар ва қориларга ул тиллодан бахшида қилдилар. Лекин бовужуд унинг баъзи жойларида путур қолди.

Умидворлик шундайки, хусрав беназир, қиблаи оламгир Жаҳонгир подшоҳ, аллоҳ унинг мулкини сақласунки, илтифот нури сабабли ўзининг асл саркадига яна таъмир учун сарф қилди».

* * *

УШБУ ПАРЧАДАН камида тўрт хулоса келиб чиқади: Гўримир ансамбли ҳозиргидагидан анча катта ерни эгаллаган ва унинг таркибида Улуғбек мадрасаси, яъни унинг Самарқанддаги иккинчи мадрасаси бўлган; ансамблнинг таъмири ва аҳволи то 1625 йилгача Ҳиндистон Темурийларининг диққат марказида турган ва улар бу ишларга махсус маблағ ажратиб турганлар; ҳозирги кунда ансамбл таъмири масаласига бошқача, кенг кўламда ёндашиш керак, зеро Темурбекнинг руҳи поки шод бўлғай; ва ниҳоят, бундан буён 1567 йилдаги ва 1941 йил июнидагига ўхшаш ишлар қайтарилмай, Темур ва Темурийлар мақбарасини тинч қўйиш керак — Мир Тўлакнинг, Сталин ва СССРнинг тақдирини эсланг.

Ашраф АҲМЕДОВ,
Марказий Осиёни тадқиқ қилиш халқаро институтининг директори, тарих фанлари доктори

«Манас» — 1000

Азиз ҚАЮМОВ, ЎзФА академиги

«МАНАС» ВА ЎЗБЕКИСТОН

Буюк қирғиз эпоси «Манас» ўз мазмуни, воқеалар тизими, қаҳрамонлари орқали Ўзбекистонга алоқадор кўп жиҳатларга эга.

Ўзбекистон шаҳар-қишлоқларининг номлари «Манас»нинг биринчи бўлимида «Олтойдаги қирғизларнинг Олатовга кўчиб келиши» бобида учрайди. Олтойдан кўчиб келган Манас эли Или сувининг ёқаларида жойлашади.

Оқ соқоли ярқираган Кушай бобо Манасни шу ерда муқим ўрнашиб, душманга қарши курашга шай бўлмоқ-қа ундар экан, унга дейди:

Бошчи бўлдинг бу элга
Айтганингга кўнамиз.
Қирғиз эли бус-бутун
Жиловни сенга берамиз.

Ана шундан сўнг Кушай бобо ўзбек шаҳарларининг номини тилга олади:

Ўрдали шайх, Ўтлоқ юрт
Марғилону Қўқон ҳам
Кептешу Самарқанд ҳам.

Шундан сўнг шарқ томондаги уйғур шаҳарлари айтилади:

Шарқида Олтишаҳар ҳам
Шунча юрт куч этиб жам
Келишингга интизор.

Манаснинг душмани қалмоқларнинг бошлиғи Алакехон бу вақтда Андижон яқинида ўрнашган эди.

Андижоннинг улуғи
Алакехон тинч ётмас.

Талас ерида Манас катта кенгаш ўтказди. Бу кенгашда у «Қалмоққа қаҳр солиб Андижонда Алаке қалъасини бузиб олмоғини» эълон қилди. Манас ўз сафдошларини

Исфара билан Олойда
Кўрмаганни кўрибсан
Кўрнав қанчанг ўлибсан
Ерни ёвга олдириб
Номус йўқдан юрибсан —
деб койийди.

Алакехон босиб олган шаҳарлар Фарғона водийсининг асосий шаҳарлари эди.

Алакедан хабар олинглар
Черуни бутун олибди.
Тайёрланиб қолибди
Бир томони Марғилон
Бир томони Қўқон юрт
Отланибди оломон
Чўнг Андижон Сўзоғи.

Бу жойлар қаторида Кўк Орт суви бўйидаги «Каттагина шаҳар» ҳам тилга олинган. Шундан сўнг яна «Хўжанди бор, чўли бор» дейилади.

Алакехоннинг пойтахти эса гўзал Аравонда эди. Бу тўғрида «Манас»да бундай деб ёзилган:

Марғилоннинг ташида
Қора сувнинг қошида.
Улуғ Андижон сиртида
Тизма қирлар кетида
Аравон деган тоғи бор
Алаке чорбоғи бор.
Бу чорбоғда қурилган базм чоғида
Ноғораға битта боқ...
Қоқилганда кўчкандай
Марғилоннинг тепаси
Ғавғосидан учгандай бўлади.

Шундан маълум бўладики, Алакехон Андижон, Марғилон, Қўқон, Исфара, Хўжанд шаҳарларини, яъни бутун Фарғона водийсини, яна Олой водийсини ҳам эгаллаган эди. Бу шаҳарларнинг халқи босқинчиларга қарши курашда Манасга иттифоқчи бўлдилар. Барчанинг биргалашиб олиб борган кураши натижасида Алакехон қочиб Шарқий Туркистон тарафга кетди. Манас Алакехонни енггач, Шавруқхон билан курашда ҳам ғолиб чиқди ва Андижонга қайтди. Шундан сўнг у Таласга келди ва шу ерда яшади.

«Манас» эпосида Фарғона водийси халқларининг ўтроқ турмуш кечирганлари, ўз маҳаллий маънавий бошлиқларига эга бўлганлари алоҳида қайд этиб ўтилади. («Ўрдали шайх, Ўтроқ юрт»).

Яна юқоридаги далиллардан кўринадики, «Манас» эпосида Андижон, Қўқон, Марғилон, Қорасув, Исфара, Хўжанд каби Фарғона водийсидаги шаҳарлар тарихига доир айрим маълумотлар учрайди. Яна айрим топонимлар ҳам борки, биз улар тўғрисида ҳозирча аниқ тасаввурга эга эмасмиз. Чунончи, чегаралар саноғидаги Кемин, Самарқанддан олдин айтилган Кептеш, («Кептешу Самарқанд ҳам»), яна Черу, Кўк Орт суви бўйидаги «Каттагина шаҳар» шулар жумласидандир.

«Манас»да Тошкент чегаралари тўғрисида сўз борганда эслатиб ўтилган.

Самарқанд шаҳари ҳақида Жақипнинг Бухорога борган вақтида сўз боради. Аммо Чўқон Валихонов эпосининг айрим бўлакларида Манасни гоҳо самарқандлик, гоҳо эса андижонлик дейилганини ёзган.

К. А. Раҳматуллин ҳам эпоснинг Сағимбой Оразбаков вариантида Манас олдин Самарқандда ўрнашгани, сўнг Таласга ўтган деб кўрсатилгани тўғрисида хабар беради.

Таласда маълум вақт яшагач, Манас билан отаси Жақип ўртасида ихтилоф чиқади. Шундан кейинги воқеалар эпоснинг «Манаснинг отасига ўпкалаб кетиб қолгани ва ошлик эккани» бобида ҳикоя қилинган. Манас «Дунёнинг тўрт бурчини айланиб чиқмоққа қарор қилгани айтилади. Манас яхши яйлов — бел, яхши ер — яхши эл излаб йўлга чиқади».

Бештош — Берк яйлов
Берк яйловдан ўтди ҳам.
У томони Андижон
Андижонга етди ҳам
Ундан нари
Бўз тала
Бўз талага келди ҳам.

Бу ерда Манасга дуч келган деҳқон чол уни ер ҳайдашга ундайди:

Андижоннинг бўз даласи
Олти ой муддат ораси
Қўш ҳайдашиб ётайлик
Далага куч тўкайлик
Созлаб ошлик экайлик.

Бобо деҳқон Манасни деҳқончилик ишига шунчалар ишонарли равишда ундайдики, Манас унинг таклифини ҳеч иккиланмай қабул қилади.

Чол гапига берди зеб
Севиниб Манас паҳлавон
Қўлдан келар иш-ку деб
Унай қолди бегумон.

Энди Манас бўз ерда экинчи бўлиб қолмоқчи. «Ўра тўла дони бор, ўчоқ тўла нони бор» деҳқон бўлмоқчи.

Манас билан бобо деҳқоннинг учрашуви қай ерда юз берди?

Деҳқон бобо йигитга чайла тикиб, сўнг кетмонлаб ер очмоқ, ҳовучлаб уруғ сочмоқ, омоч ушлаб, бел букиб тенг ўртоққа экин экмоққа маслаҳат беради.

Бу ерлар бўз ерлар. Шунинг учун капа тикмоқ керак. Демак бу жойда қишлоқ йўқ. Шунинг учун бу ер юқорида айтилганидек, «Анжоннинг бўз даласи»дир.

Манас деҳқончилик ишларини тугаллаб, етиштирган мўл ҳосилини учар от Оққулога алмашади. Шундан сўнг Манас бу ерга келган чол Қарача ва Нуйгут элининг пешволари маслаҳатига кўниб Таласга қайтади. Улар:

Бўз далани ташлашди
Таласга йўл бошлашди.

Андижон вилоятида ҳозир ҳам Бўз тумани бор. Агар Манаснинг жойи Таласда бўлса, бу ердан Манас Андижонга келиб, ундан нари Бўз талага етиб келган бўлса, бу ерда деҳқон бобо билан ошлик экмакка киришган бўлса, бу ер ўша Андижоннинг Бўз туманидаги ерлар бўлиб чиқади.

Бўздан Таласга қайтиб келган Манасда энди оила қурмоқ истаги уйғонади. Унинг ихтиёридаги аёллар асиралар эди: бири қалмоқ хонининг қизи, бири Шовруқхоннинг қизи. Энди эса расмана совчи йўллаб, қалин бериб, тўй қилиб никоҳ қурмоқчи.

Манаснинг кўнгли Бухоро ҳукмдори Қорахоннинг қизига тушган. Бу қизнинг оти Хоникей.

Манас дейди:
Бухорода Қорахон
Қорахонга бераман.
Менга лойиқ қизи бор
Хоникейни оламан.

Манаснинг одами арслон Чубақ шу мақсаднинг ижроси учун Бухорога юборилади. Чубақ

Жадал юриб, йўл чалиб
Ботирлардан йўлчи олиб
Ўрдали Бухоро шаҳрига
От бошини бурибди.
Бу келган жамоанинг ҳайбатидан
Ўн икки қопқа Бухоро
Тўс тўпол бузгудай
бўлмоғи мумкин эди.

Бухоро ҳукмрони Қорахоннинг қизи Хоникей ботир Чубаққа қарши яккама-якка курашга отланаяпти. Кураш бўладиган майдон эпосда бундай тасвир этилган:

«Бухоронинг бир четида баланд минора бор экан. Миноранинг айланаси кенг майдон экан. Бу майдонни атайлаб жанг машқлари учун белгилаб қўйишган экан. Майдонга қум сепиб, йиқилса, юмшоқроқ бўлсин деб, боплаб қўйган экан».

Шундай қилиб «Манас» эпосида нафақат ўша вақтдаги Бухоронинг топонимини, балки бу шаҳардаги жанггоҳнинг тасвирини ҳам учратамиз.

Ботир Чубақ Бухоро гўзали Хоникей билан яккама-якка курашда енгилиб қочди. Хоникей кенг далада уни қувиб кетмоқда. Шунда Хоникей узоқдаги беш отликни кўрди. Улар

Қулон излаб, ов излаб
Қумлоқ чўлда қидириб
Самарқандниинг бу ёғи —
Дала қўймай сидириб

келмоқда эдилар. Бу отлиқлар Чубақни сақлаб қолдилар. Сўнг барчалари биргаликда Таласга қайтиб кетдилар.

Энди Манаснинг отаси Жақип Бухорога совчиликка жўнайди. Жақипнинг Бухорога келган пайтида бу улуғ шаҳарнинг тасвири эпосда бундай берилган:

«Бухорода азончилар ақириб, жарчилари бақириб, дуконларга мол тўлиб, томоша, ажойибот кўп бўлиб, аралашиб, қуралашиб, муштлашиб, жўралашиб ётган эди». «Мундоғ кўз ташласа, қунгли нима хоҳласа ҳаммаси топиладиган шаҳар экан».

Жақипнинг йўли ҳамиша очиқ экани яна қуйидаги мисраларда ҳам кўрсатилган:

Қайга борсанг — йўл очиқ
Қўқонга борсанг — кўл очиқ.

Эпосда Манас билан Алмамбетнинг Хоникей ва Арукага уйланиб Таласга қайтишганидан сўнг бу ердаги тўй тантаналарига қатнашган меҳмонларнинг қайдан келгани алоҳида санаб ўтилган:

Йўлда босиб довон — бел
Тўйга келиб туман эл.
Марғилондан Маллабек
Қўқондан келди Қўзибек
Қашқардан келди Аллабек
Ўшаларнинг каттаси
Андижондан келибди
Айри соқол Санжабек.

Манаснинг ўз юрти Таласда ўз оиласи, қавми, эли билан бирга тинч ва фаровон турмуш қуриб яшамоғида унинг сафдошлари муҳим ўрин тутганлар. Улар Олойда ботир Туштук, Андижон тарафда Санжабек, Тошкент атрофида Кўкатой, Кеминда Урбу, Отбошида Кушайдовлар эдилар.

Манаснинг ўз вафоли ёри Хоникей билан Таласдаги ҳаёти унинг «Қўқонга қули етиб, Қашқарга довруғи кетиб» умр сургани орқали тасвирланади.

Шундай қилиб, «Манас» эпосидаги воқеалар тизимининг айрим бўлаклари Ўзбекистон билан боғлиқ экани кўзга ташланиб турибди.

Яна «Манас»да айтилади-ки, Сари Арқадаги қозоқ хони Кўка ботирнинг аёли Оқ эркач, Таласда Манаснинг аёли Хоникей, Алмамбетнинг аёли Арука сулув — учови бирдай Бухоро ҳукмдори Қорахоннинг қизлари бўлганликларидан бир-бирларига туғишганлик, бориш-келишлари орта бошлади.

Бу мисоллардан кўринадики, «Манас» эпоси Марказий Осиёда яшовчи халқлар ўртасидаги бирликнинг узоқ асрли тарихини очиб беради. «Манас»нинг халқлар ўртасидаги бир оила туйғуси; қардошлик, биродарлик ҳиссларини тарбияловчи улмас буюк бир асар эканидан далолат беради.

«Миллий тикланиш»нинг 1995 йил 27 июнда чиққан 3-сонида академик Азиз Қаюмовнинг Шайх Нажмиддин Кубро ҳақидаги мақоласини эълон қилган эдик. Унда улуғ Шайх ҳаёти ҳақида ёзилган ноёб бир маноқиб хусусида сўзланган эди.

Академик олим ана шу маноқибни ўрганиб, уни нашрга тайёрлади ва ҳозирги замон ўқувчиси учун ҳам ҳар томонлама ибратли эканлигини назарда тутиб, чоп этиш учун «Миллий тикланиш»га тақдим этди.

Матнни қабул қилишни енгиллатиш учун сарлавҳалар қўйиб бордик. Маноқиб шартли тарзда «Кубро қиссаси» деб аталди. Асарда сўзлар имлосидаги ўзига хосликлар сақланди («пир» — «фир», писанд — «фисанд» ва ҳоказо).

Редакция асарни ривоятма ривоят чиқариб боришни режалаштирди.

Зеро, ўтмишни ўрганиш янги кунни тўғри режалаштириш ва тўғри англашдир.

ТАҲРИРИЯТ

Кубро қиссаси

ПИР ИЗЛАШ

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Хоразм маъдани уламо шариф фузало турур. Аҳмад бин Умар Ҳевақий муаллимул вақт эрди. Бир куни шариатни интиқосиға еткуруб тариқат базмиға (дохил бўлиб) жоми вақтдатдин ичмакни орзу қилди...

У ...Хоразм мулкида қирқ икки пири комил бор эрди, (алар)нинг базмиға дохил бўлди. Кўрдиким, (алар) тариқат аҳлиға ва шариат шаҳриға раҳна солғонтутур, Аҳмад буларнинг ҳолатидин воқиф бўлуб, барчасидин умид узуб; не учинким, Аҳмад кўнглига маъқул бўлмаған ишни ҳаргиз қилмас эрди. Ўз маъқулотидин айрилмас эрди. Маъзури олимлиқ билан Хоразм мулкида ҳар не фири саждоданишан бўлса, аларни фисанд қилмай Ажам тарафиға кетар бўлди. Не учун ким, Ажам мулкида Замма деган бир фир бор эрди. Аҳмад ул фирнинг базмиға доҳил бўлмоқни орзу қилди. Неча кун йўл юриб ул фирнинг суҳбатиға дохил бўлди. Ул фирни ҳам кўнгул маъқул кўрмай умидин қашъ қилиб ғариблиқ даштида ожиз бўлуб, андин ўтуб Бистамға бориб, Шайх Аҳмад Бистамийнинг суҳбатларига дохил бўлди. Кўрдиким, ул фирни ҳам баҳри лутфидин бир қатра етушмади. Андин ҳам ўтуб, нотовонлиқ баҳриға ғарқ бўлуб Тирон бориб Шайх Жомийнинг базмиға дохил бўлди. Уч-тўрт кун шайхнинг ёнида бўлуб алардин таҳорат ожиз тофиб хайрат бармоқини тишлаб... ҳолига тушуб, андин ҳам ўтуб кетди.

Алқиссаи мухтасар йигирма беш фири комилнинг суҳбатларига дохил бўлди. Аларнинг иши қабул тушмади. Зор-зор йиғлаб бу сўз айтур эрди:

Жаҳон ичра манга йўл кўрса турга бир ҳабибим йўқ,
Агар бўлса ҳабибим андин манга насибим йўқ,

деб сийна чоқ, дийда намнок бўлуб Бағдод борди.

ШАЙХ ИБРОҲИМ ҲУЗУРИДА

Шайх Иброҳимни кўруб қадамларига тушуб етти йил фарзанддак хизмат қилди. Бир кун ул ганжи асрор таҳорат қилурға ирода қилдилар. Аҳмад қўлига обтоба олиб, ҳозир бўлдилар. Шайх Ҳусайн таҳорат қилиб оёқ юварди, ё Аҳмад толиб, етушгил, деб садо қилдилар. Аҳмад дарҳол етушди. Шайх меҳрибон бўлуб айдилар: Ё Аҳмад, вақт ғанимат турур, қолмағил, қўлунгни тутғил, дедилар. Аҳмад икки қўлини оёқ остига тутди. Аёқ оби мустаъмилдин тўлдурди. Дарҳол нўш этди. Илми ҳол, илми қол ҳосил бўлди. Шайх Иброҳим меҳрибонлик юзидин Аҳмадқа «Нажмиддин» од қўйдилар. Неча кундан сўнг Шайх яна таҳорат қилурға ирода қилдилар. Нажмиддин обтоба олиб ҳозир бўлдилар. Шайх таҳорат қилдилар. Аҳмад қўлига рўйпак олиб туруб эрди. Шайх ул ҳолда ... васвасани унутиб эрдилар. Нажмиддин кўнглига айди: «фирим тарки мустаҳаб қилдилар,» теди. Шайх Иброҳим бу сирдин огоҳ бўлуб айдилар: «Ё, Нажмиддин, бизни сен кўп имтиҳон қилдинг. Эмди сен бориб, то Шайх Исмоил Бистамийнинг шаффотин емагунча расми адабни билмай, расми адабни хом қолиб, фишмассан», дедилар.

Шайх амри бўлса, худ васваслиқ,

Хизматида чун керак ихлослиқ, деб Нажмиддинга жавоб бериб йибордилар.

Нажмиддин ул ҳолда ўзидан огоҳ бўлуб, хушиға келиб, айтқан сўзидан фушаймон бўлди. Судқилмади. Маст эрди, хушёр бўлди. Уйқуда эрди бедор бўлди. Андин сўнг Нажмиддин ғам баҳрина ғарқ бўлуб, ранги қаҳрабодек, ҳу ё манҳу деб, дашти биёбонларни фўя уруб, бир неча муддат ўтуб Бистамийга етушуб Шайхнинг ҳцонақоҳларига дохил бўлди.

БИР ҚАТРА СУВ

Кўрарким, бу анжуманда Шайх Исмоил кўрунмадилар. Бир муридларидин сўрди: «Ҳазрат Шайх Исмоил қайда турурлар?». Ул вақтда муридлар айдилар: «Фирим ҳавз бўйиға таҳорат қилғали кетдилар». Нажмиддин хонақоҳдин чиқиб ҳавз тарафиға равона бўлди. Бориб кўрдиким, ҳавз лабида бир одам таҳорат қилиб ўлтурур. Нажмиддин айди: «Магар шул киши Шайх Исмоил бўлғай» теб, келиб, кўрса, ҳавзнинг суви камдур. Нажмиддин гурури олимлиқ бирла айди: «Магар бу киши Шайх бўлса, бу сувдан таҳорат қилмас эрдилар. Йўқса шариат шаҳрина раҳна солғон, тариқат навмиди турур. Бўлмаса мундоқ ишлар содир бўлмас эрди», деди. Ҳазрат Шайх Исмоил бу ишдин воқиф бўлуб оби дафь васваса бармоқлари бирла отдилар. Аввал бир қатра сув келиб Нажмиддиннинг пешонасиға тегди. Дарҳол Нажмиддин беҳуш бўлиб йиқилди. Кўрарким, қиёмат қойим бўлубтурур. Аввалийн охирийн халойиқ жам бўлмиш. Ҳар кимарсининг бошида минг турлуқ азоб. Бор офтоб найза бўйи келиб, осмон мисдек қизиб, ер ҳам тамурдек тоб бурур. Нажмиддин кўрдиким, ҳар гумроҳнинг изинда ўн фариштa азоб бериб қувларлар. Фаришталар бир кишининг ёниға келиб, айдилар, юргил, сирот тарафиға деб ғазаб қилур бўлдилар. Ул ҳолда ул киши айди: «Ё, фаришталар, манга фирим Шайх Исмоилни кўргузсанглар», теди. Фаришталар айди: «Ани сўраб не қилурсан?» Ул киши айди: «Ман ани муриди тутурман. Фиримни излаб юрубман». Фаришталар айди: «Шайх Исмоилнинг мурид бўлсанг санинг бирла даҳлимиз йўқ», тедилар. «Бизларга Оллоҳ таолонинг амри Шайх Исмоилнинг муридларига дохил қилманг», дегантурлар. Бизлар Оллоҳ таолонинг амридин ортиқ иш қила билмасмиз», дедилар. Киши айди: «Андоғ бўлса, манга Шайх Исмоилнинг аламини кўрсатинглар». Фаришталар айдилар: «Эй, бечора, шул турғон алам Шайх Исмоилнинг аламитурур. Борсанг кўрарсан». деб Нажмиддин сори равона бўлди. Келиб Нажмиддинга айдилар: «Сирот тарафиға юргил». Нажмиддин айди: «Манга фирим Шайэ Исмоилни кўрсатинг, андин сўнг борайин», теди. Фаришталар айди: «Андоғ бўлса, сан Шайх Исмоил муриди бўлсанг, санинг бирла бизларнинг даҳлимиз йўқ. Шул турғон алам Шайх аламитутур» деб бадар кетдилар. Нажмиддин бу ҳолларни кўриб алам тарафиға юз қўйди. Кўрарким, юз саксон алам келиб Шайх Исмоилнинг аламларига қўшулдилар. Бу аҳволни кўруб дар ҳайрат бўлуб ҳушиға кўрса, Шайх ёнида турубтур. Нажмиддин мутаҳаййир бўлуб на сўз айтурин билмади.

«КУБРО» БЎЛСУН!

Ўлтуруб эрди, ҳазрат Шайх Исмоил Нажмиддиннинг юзига бир шаффот урдилар. Нажмиддин дарҳол беҳуш бўлуб йиқилди. Кўрарким, етти қат осмон, бир қўлида етти (?) бир қўлида қалам-арвоҳи нуроний воқеъ бўлди. Шайх иккилари гулзори маолмодға етишиб сайр қилиб юрурлар. Арвоҳи маъдомлар буларни кўруб матбаъ юзидан баҳр қилдилар. Нажмиддин дарҳол кимё назар бўлди. Нажмиддин бу сирларни кўруб ҳушиға келиб кўрса Шайх шукронаи вуҳу ўқуб ўлтурурлар. Намоздин фориғ бўлуб Нажмиддин бориб Шайхнинг оёқларига йиқилди. Ҳазрат Шайх Исмоилга мурид бўлди, ихлос бирла. Етти кунда рухсат бердилар. Андин сўнг Шайх айдилар: «Ё, Нажмиддин, биздин нишона одингиз: «Кубро» бўлсун, дедилар. Анинг учун Шайх Нажмиддин Кубро дедилар. «Эй Нажмиддин, бизнинг дуоий салом Шайх Иброҳимға Бағдодийға бўлсинким, куч-қуввати етишмаган мурид бўлса, бизга юборсинлар. Биз иншоаллоҳ сақт қилурмиз», деб рухсат йибордилар. Шайх Нажмиддин Шайх Исмоил Бастамийдин рухсат карда бўлуб Бағдод тарафиға азм қилдилар.

Ровий айтур, Шайх Исмоил ўтурур. Бириға Исмоил Куфий дерлар. Бул машҳур турурлар, валекин Шайх Исмоил Бағдодийни ҳам шафеъ масҳаб дерлар. Ровий айтур, Шайх Нажмиддин фирдин рухсат карда бўлуб келурда Рўзниҳон Мисрийнинг меҳмони бўлуб кўрдиларким, алар ҳам шофеъ масҳаб эркан. Андин сўнг Бағдод бориб Шайх Иброҳим қўлларин олиб ҳарне бўлған воқеаларни бир-бир баён этиб Шайх Исмоилнинг саломин еткуруб Шайх Иброҳимдин рухсат олиб Хоразм сари азм қилур бўлдилар.

МИНОРА

Ул кун Бағдод ичинда бир одамнинг уйинда меҳмон бўлдилар.

Ровий айтур. Бағдод шаҳринда бир фиразан бор эрди. Анинг Абдураҳмон отлиғ бир ялғуз (ўғли) бор эрди. Кеча ётиб туш кўрди. Эртанг туруб онасиға айди: «Эй онаи меҳрибон, кеча ётиб туш кўрдим, таъбирин айғил, кўнглум шояд хушнуд бўлғай». Анда фиразан айди: «Эй ўғлум, айғил тушунгни. Ҳазрати Юсуфдин иноят бўлса, айтайин», теди. Абдураҳмон айди: «Эй она, кеча тушумда бир минора кўрдим. Халқлар келиб ул минораға чиқмоқчи бўлдилар. Ман ҳам аларнинг орасинда чиқмоқни орзу қилдим. Шул вақт бир қаландармисол, жандапўш келиб айди: «Эй ўғлон, бу ерда не ишлаб турубсан?» Ман айдим: «Бу минораға чиқсам дерман». У қаландармисол одам мени камаримдан тутуб ул минораға чиқарди», теди. Ул вақт фиразан айди: «Эй ўғлум, ул кишики санга қаландарнамо кўрунган раҳбари тариқат, фири ҳақиқат бўлғай. Минора мартабали аъло турур, ул фирни тофиб, хизмат қилиб, рухсат карда бўлуб Шайхлиқ силсиласин тузуб, мартабаи аъло топарсан», теди. Абдураҳмон айди: «Эй она, мендин рози бўлунг, худо сиздин рози бўлғай, то ман фиримни тофиб, қадамлар тушуб, хизмат қилайин», теди. Фиразан бечора зор-зор йиғлаб айди: «Эй ўғлум, бир ман сандин розидурман, худо ҳам рози бўлғай», теди. Фиразан бечора йиғлаб айди: «Эй ўғлум, ул қаландарнамо фирингни танурмусан?». Абдураҳмон айди: «Кўрсам, танурман». Онаси бечора зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб айди: «Бор ғил, ўғлум», деб жавоб берди. Абдураҳмон онасидин рухсат олиб уйдин чиқиб, ҳу ё ман ҳу, ло илоҳо иллоллоҳу деб, Бағдод шаҳринда турмай дашту биёбонларни тай қилиб, сийна чок, дийда намнок бўлуб йиғлаб мажнунвор бўлуб кезар эрди.

Ровий айтур. Шайх Нажмиддин ул кун Бағдод шаҳринда фиразаннинг уйинда меҳмон эрди. То фешинни ўқуб, андан сўнг Бағдоддин чиқиб шаҳри Хоразм тарафиға сафар қилди. Бир неча манзиллар тай қилиб, Хоразм келиб, шайхлиқ силсиласини тузуб оламға машҳур бўлди. Ҳар тарафдин ихлоснамо одамлар эшитиб кела бошладилар. Ровий айтур: Абдураҳмон бечора дашту саҳроларни кезиб шаҳар ба шаҳар истаб, вилоят ба вилоят сўроғлаб етти йил ранжу алам чекиб, меҳнату машаққат тортиб Хоразмға келиб ҳазрат Шайх Нажмиддин Кубронинг хонақоҳларига дохил бўлуб, келиб ҳазратнинг оёқларига тушди.

МУРИД

Ҳазрат Абдураҳмон ҳолидин воқиф бўлуб, етти йил ранжу алам чекканин каромат юзидин англаб Абдураҳмонни бағирларига босиб марҳаматни зори бирла қараб оби таҳорат хизматин анга топшурдилар. Абдураҳмон етти кун хизмат қилғандин сўнг меҳрибонлиқ юзидин Абдураҳмоннинг одини Шайх Нажмиддин қўйдилар. Бир неча муддатдин сўнг Шайх Нажмиддинга ҳам рухсат бердилар. Ул ҳам Хоразмга шайхлиқ силсиласини тузуб, хонақоҳ солдуруб, ҳужраи хос тузатиб, мурид йиғнаб, ош-чалофлар қайнатиб, халойиққа ош бериб, дуога машғул бўлуб ўлтурдилар.

Ровий айтур, ул пок тийнат Шайх Нажмиддин масжиддин чиқиб келур эрдилар, подшоҳнинг қуяви Шайх Нажмиддин (II) нинг олдидин отлиғ бемарҳабо келди. Шайх ани кўруб юз урдилар. На учунким, тани ола эрди. Шайх анинг учун юз уз(дилар). «Бу вилоят нечук вилоят турур, подшоҳи бетамиздир, мунунгдек аблаҳ баднамоға қиз бериб куяв қилибдур», дедилар. Мунунгдек аблаҳ бузулғанларни элдин чиқармоқ ситати пайғамбар турур», деб ўтуб кетдилар.

Бу сўзларни подшоҳнинг қуяви эшитиб, Шайх сари қараб айди: «Кўр, санга не иш қилурман» деб кўнглида кийна сақлади.

Бир куни ул тўнғуз табиатлиқ малъун чағир ичиб масту беихтиёр келур эрди, баногоҳ олдидин Ҳаст олаҳуо, яъни Шайх Нажмиддин (II) аззу ҳидойат бўлуб кўчадин келур эрдилар, олдидин подшоҳнинг куяви барс чиқиб айди: «Эй шайх ул куни манга аблаҳ деб таъна урған сенмусан» деб, қилични ғилофдин чиқариб Шайх Нажмиддин (II) ға андоғ солдиким, Шайх дарҳол даражаи шаҳодат тотдилар. Ул бадбахтни ҳам от ийиқиб, бўйнини синдурди. Ул ҳам ўлди. Шайхнинг мурид лари гирйау зорий қилиб, Шайхни асл ватанига олиб бориб (дафн) қилдилар. Қолу аналлоҳу ва анаолиҳи рожиун.

ШАТРАНЖ ЎЙИНИ

Ровий айтур, Бағдод подшоҳининг ўғлиға, шаҳзода Абдулла дерлар, зиёда шатранж бор эрди. Анинг олдинда (ҳеч ким) баробар туруб шатранж ўйнай билмас эрди. Шатранжбозлиқ бирла оламни хира қилур эрди ва яна ваъда қилурким: ҳар ким(ки), мани утса (ютса) ман анга мутеъ бўлурман, йўқ эрса шаҳрин олиб ўз маҳкумимда қилурман деб. Шаҳар ба шаҳар, вилоят ба вилоят кезиб, барча ерни хароб этиб, Хоразм шаҳриға келиб подшоҳнинг боргоҳиға кирар бўлди.

Ҳожиблар подшоҳға хабар бердилар: «Бағдод подшоҳининг шаҳзодасиға не жавоб берурсиз, ташқарида келиб турур».

Подшоҳ айди: «Ичқари кирсун».

Ҳожиблар шаҳзодани ичқари олиб кирдилар. Ўнг тарафда шаҳзодага жой бердилар.

Ўлтуруб айди: «Эй султон, ман бу вилоятға шатранж ўйнағали келдим», теди.

Султон айди:»Биз шатранжбозлиқ билмасмиз. Биз тарафдин фирим сағинч Нажмиддин Кубро ўйнасунлар. Биз қабул қилурмиз», тедилар.

Шаҳзода Абдулла айди: «Биз ҳам ҳазратнинг ўйнағанин қабул қилурмиз. Агар утсалар, қабул қилурмиз», теди.

Ул вақтда анинг подшоҳиға Султон Маҳмуд дер эрдилар. Ота авлодидан эди. Султон Ҳазрат Нажмиддинға киши йибордилар. Ҳазрат Шайх эшитиб амри подшоҳ вожиб турур деб келдилар.

Ҳожиблар подшоҳға хабар бердилар.

Подшоҳ Ҳазрат Шайх Нажмиддин келганин билиб султон тахтидин тушуб турдилар. Ҳазрат келиб тахтға миндилар.

Андин сўнг шатранж тахтасин келтируб бўйун қурдилар. Ҳазрат фир ўйнаб утдилар. Шаҳзодаға қараб айдилар: «Яна ўйнағоли», тедилар. Яна ўйнадилар. Ҳазрат яна утдилар. Алқисса, уч маротаба ўйнаб утдилар.

Шаҳзода ҳижолат тортиб тахтдин тушуб ҳазратнинг оёқларига йиқилиб, мутеъ бўлуб. Султон Маҳмуд ҳазратқа кўп инъом-иҳсон бериб қайтардилар. Ҳазрат шаҳзода билан хонақоҳға келиб дуоға машғул бўлуб ўлтирдилар. Шаҳзода ҳазратқа мутеъ бўлди.

Етти йил орадан ўтди. Ҳазрат меҳрибон бўлуб шаҳзода Абдуллаға Шайх Маждиддин од қўйдилар. Андин сўнг шайхлиқ ҳалқасин бўйниға банд қилиб рухсат бердилар. Шайх Бағдодий ҳам шайхлиқ силсиласин тузуб хонақоҳнишин бўлуб, мурид йиғнаб, ҳалқа қуруб, зикр айта бошлади.

Ошхонаи чўлонға ҳам жумъа кечасиға олтмиш тилла харажат бўлур эди. Алқисса, муридларнинг адади мингдин зиёда эрди. Алқисса, файзу раҳмат кун ба кун ортуқ бўлур эрди.

ПИР ВА ШОГИРД

Ровий айтур, бир кун Шайх Маждиддин Бағдодий ғарқи ваҳдоният бўлуб мастликдин беихтиёр бўлуб бир сўз теди.

Айдиким, фирим бир беҳаракат сув эркан, ман бир дарё монанд бўлубман, теди. Яна ҳам мастликдин айди: «Ман бир ўрдак байзаси эрдим, фирим жўжа қилиб чиқардилар. Ман камол етиб дарёйи ваҳдатға ғалат урдум, ғарқ бўлдум. Фирим қироғда қолдилар», теди.. Ул ҳолда муридлари айдилар: «Ё фир, сиз мастликдан таажжуб сўз айтдингиз». Шайх Маждиддин айдилар: «Андоғ бўлса, на сўз билмай айтибман?» Муридлари барча сўзни бир-бир баён қилдилар. Шайх Маждиддин бу сўзларни эшитиб фушаймон бўлуб, мис табоқни ўтға тўлдуруб ва яланғоч бошиға кўтарур ҳолда бу сўзни ғаммозлар Шайх Нажмиддинға бориб айдилар. Ҳазрат ўтға солғон мисдек қизиб айдилар: «Абдулла бизни шундоғ деган бўлса, илоҳо, бошин кесиб дарёға ташласунлар, ғарқ бўлсун», тедилар.

Ғаммозлар бу сўзни ҳам Шайх Маждиддинға келиб айдилар. Шайх Маждиддин бу сўзни эшитгач, айди: «Фирим, бизга шундоғ деган бўлса, илоҳо фиримнинг бошларин қалмоқ кесгай» деб, зор-зор йиғлай бошлади.

Шайх Маждиддиннинг иши кундуз сиём, кечалар қиём қилур эрди. Кеча бедорлик, гоҳо кўчаларға чиқиб зокир бўлганда, Хоразм сазо берур эрди. Барча билур эрдилар Шайх Маждиддин зокир қилға(й).

Ровий айтур, бир кун Султон Маҳмуд вазир, вакиллари билан ўлтуруб эрдилар, қулоқларига Шайх Маждиддин зокир бўлғон овози келди. Султон эшитиб айдилар: «Боракаллоҳ, Шайх Маждиддин фиримнинг зокир бўлғон овозлари кишининг қулоғига хуш ёқар, фир ҳам ўзлари сиём, кечалари қиём» тедилар.

Мажлисда Шайх Маждиддиннинг бир душмани бор эрди. Жойидан туруб айди: «Боракаллоҳ, подшоҳим нечук фирим, дерсиз. Агар онинг зинокунандалигин айтсам, мани қийин қилдирурсиз. Они авлиёуллоҳ», дерсиз.

Султон айди: «Эй золим бўҳтонгар, мундоғ бемаъни сўзни айтмағил, ул нечук зонийтурур».

Ул нопок бадбахт бадтарин айди: «Эй султони олам, зоний бўҳтон эрмас, агар бўҳтон айтсам, мани қатл қилурсиз».

Султон айди: «Ёлғон бўлса, сени ўлтурурман, агар рост бўлса, они ўлтурурман. Лекин айтмасанг, сани ўлтурурман», дегач, ул бадбахт айди: «Эй султон, сўз бор ҳижоб қилурман, айтсам сиздин қўрқарман, айтмасам ҳам қўрқарман», теди.

Султон айди: «Айтғил, йўқ эрса, ўлтурурман».

Ул бадбахт қўрқусиндин айди: «Эй султон, улуғ қизинг бирлан даҳли бор. Айтсам ўлтурурсиз. Ёлғон зокир бўлуб кечалар келиб суҳбат қилиб кетар», теди. «Подшоҳнинг кўнглига гумон келмасун деб, зокир бўлуб кезар», теди.

Султон бу сўзни эшитиб қаҳри келиб бир неча кеча ҳарамни онгдурди. Кўрдиким, бемарҳабо ҳарам сори келур. Султон ул бадбахтинобакорнинг сузин ростхаёл этиб айди: «Эй посбонлар, тутинг, бу чукийнинг сазосин беринг».

Калласин кесиб дарёға ташладилар.

Султон бадгумон бўлуб, ҳарамға кириб улуғ қизини кўрдиким, Қуръон ўқурубдур. Ул пок тийнат ҳофизи қуръон, бегуноҳ(ни) бемурувват бир золим бўҳтонгарнинг сузи бирлан ўлтуруб шаҳид қилди. Қолув аналлоҳу ва ано илоҳа рожиун.

ЗАМОН ШОИРЛАРИДАН БИРИ:
УЙҒУН БОБО

Нур сочилган, гул очилган
Баҳор тунида
Абадият қўшиғига
Солардим қулоқ...
УЙҒУН

1985 йилнинг баҳори эди. Табиат шоир ғазалидай гўзал ва жозибали. Паркент қишлоқлари баҳор чодрасида. Йўлларнинг икки қаноти қизғалдоқ бозори, дейсиз. Яшиллик кўзни яйратади. Ариқларда шилдираган сувлар жаннат қўшиғини куйлайди. Йўлларда улоқчадай дикирлаб юрган болакайлар соғлом, хушрўй. Машина ойнасидан термуларкан, Уйғун бобо ўзича завқланар, ниманидир шивирлар, гоҳ бизга Паркент иқлимини мақтаб, ғурурланардилар.

Тоғ ҳавосидай сўлим бир оромгоҳ. Сувлар тошдан-тошларга сакраган оҳудай йўрғалайди. Сўқоқ дам олиш боғида микрофонлар, курсилар тахт. Узоқ-яқиндан кексаю ёш, болабақра, хотин-халаж шоир билан учрашувга ошиқадилар. Уйғун бобо ёшлардай бардам, яшил алангадай дарахтларга ошиқона термуладилар ва «қулинг ўргилсин боғ бўлибди-да!» деб лутф айтадилар.

Шогирдлар, дўстлар, сафдошлар бирма-бир сўз олишди. Шоирнинг ўзидай содда, самимий суҳбат, анжуман бўлди. Шеърлар янграганда борлиқ сукутга чўмар, фақат ариқларгина шеър вазнига мос жилдирарди. Уйғун бобо кўп сўзламадилар, насиҳат қилмадилар, янги ғазалларидан ўқидилар. Ғазаллар муҳаббат ҳақида, ҳаёт ва ёшлик завқи ҳақида эди. Жамоа мириқиб тинглар, қарсаклар янграрди. Шоир икки қанотида ўлтирганларга савлат билан қараб олар, яна давом этар, ёшларни айрича меҳр билан таърифлардилар.

Ўша куни узоқ шеърхонлик давраси бўлди. Сўнг томоша учун Паркентдаги қўриқхона боғига бордик. Табиатнинг мўъжиза қитъаси.

Турли-туман қушлар сайрайди. Турли гиёҳлар, гуллар рўпарангдан ҳилпираб чиқади. Уйғун бобо тоғдай бўлиб давра бошида борадилар. Бирдан булбул сайраб юборди. Шаҳарда булбул товушини унутиб юборган, бу беҳиштий хонишни соғинган шоирлар тўхтаб қолишди. Гўё қадам босса, булбул ҳуркадию учади-кетади... Ҳамма хаёлга ғарқ. Булбул эса маст бўлиб, шавққа тўлиб сайрарди. Чунки баҳор эди!

Уни табиатнинг мангу латиф қизи— гул куйлатган эди. Булбул чаҳчаҳлар, боғ файзу тароватга тўла борар, яшил олам шаҳарнинг дим ҳавосида тириққан шоир юракларни кенгайтириб юборганди.

— Садағанг кетай, сайрайвер, — дедилар Уйғун бобо жимликни бузиб.

Ҳамма бу лутфдан яйраб, бир-бирига кўз ташлаб олишди.

Ўша баҳор устоз Уйғун Тошкентнинг жуда кўп мактабларида, Фарғона вилояти қишлоқларида бўлиб, чарчамай, инжимай бир неча учрашувлар ўтказиб, элнинг дуосини олиб, янги куч-илҳомга тўлиб қайтгандилар. Ўша йили шоирга Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган эди. Бу юксак мукофотни адиб катта эҳсон, буюк байрам каби қабул қилган, ўзи мафтун бўлиб куйлаган халқи, Ватани билан бу муборак шарафни тўйга айлантириб юборгандилар.

Уйғун домла кези келса мактаб, кези келса бироз қойиб қўйгувчи эдилар. Ёшлар рўзномасида чоп этилган «Юртнинг юрагида дарё оқади» мақоламни ўқиб жуда хурсанд бўлганликларини айтгандилар:

— Яхши маҳалаларни кўтарибсиз. Айниқса, эски ўзбек тили масаласини айтганингиз ўринли. Мактаб программаларига эски ўзбек тили, араб тили фани сифатида киритилса, муаммо ҳал бўлади. Бундан ҳеч ким зиён кўрмайди, халқ бойийди, - деб алқаб қўйгандилар. Ёзувчилар уюшмаси йиғинларидан бирида ёшларга тош отаверган баъзи адибларни инсофга чақириб, яхшигина койиб берганлари ҳамманинг эсида.

Қишнинг қаҳратон кунлари. Уйғун бобо менинг Бўстон қишлоғимдан собиқ Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат этиб сайлангандилар. Мактабимизга бир неча шоир ва ёзувчиларни ҳам бирга олиб боргандилар. Ўшанда Максим Горький номидаги мактабимиз довруғи кетган, жуда талантли ёш ҳаваскорлари билан вилоятда ҳам мақтовли даргоҳлардан эди. Ҳозир мактаб муаррих Мирза Азим Самий Бўстоний номи билан аталади. Район марказидаги клубда катта концерт беришган мактабимиз ўқувчилари. Санои нафиса тўгараги раҳбари Шариф Аҳмедов қўшиқ ва куйлар ичида. шеърга ҳам олоҳида ўрин берардилар. Ўшанда мен, 3-синф толибаси Уйғун бобонинг «Мен қушларга дон бердим» шеърларини ўқидим. Шу-шу, Уйғунга шеър ўқиган қизча деб, муаллимларим ҳам алоҳида ҳурмат қиладиган бўлишди. Йиллар ўтди. Дорилфунунга ўқишга кирдим, унда-бунда машқларим чоп этилди. Уйғун бобонинг кўзлари тушиб, бу ўша қизалоқ эмасми Бўстонда шеъримни ёд ўқиб берган деб, йўқлатдилар. Бордим. Машқларимни ўқиб, эртасигаёқ «Ёш ленинчи»га, Барот Бойқобиловга тайинлаб, «оқ йўл» ёзиб бердилар. Бу биринчи рағбат, илк ишонч эди. Ҳалиҳануз катта бир шоирнинг бир қишлоқи қизинани эсда тутиб, йўқлатгани, ҳиммат билан оқ йўл тилаганидан миннатдор бўлиб юраман.

Бу унинг самимиятидан деб биламан.

Мана, яна баҳор келди. Табиат минг қуроқ либосини кийди. Боғлар чодир-чаман гулга бурканди. Паркент томонларда яна булбуллар сайради. Шоири замон ортиқ бу боғларда кезмайди, абадий қароргоҳига кўчган. Бунда Ғафур Ғулом, Ойбек муаллим, Миртемир бахши, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода каби санъаткор ёзувчилар, С. Зуннунова каби нажиб шоира қаватида абадий уйқуга чўмиб ётади. Энди у— тарих. Қанча шарафлар, ишлар, армонлар, айтилмаган ўкинчлар. Ўттизинчи йилларнинг ёлғиз уларгина билган барча кирдикорлари, оғриқлари, афсуслари... Биз уларни билолмадик, билолмай армонда қолдик. Уларни ёзиб олиб, элга етказишга бизнинг журъатимиз етмади. Рамазон ойи охирлаган эди. Шоирни сўнгги йўлга кузатар эканмиз, шуларни хаёлимдан ўтказдим.

Ўзи яшаган даврни жаннат деб хаёл қилган, ўз жаннатига ишонган, унга эътиқод сақлаган бир муҳиб сингари Уйғун бобо ўтди. Катта, бой мерос қолди ундан. Бу меросни халққа етказиш, Уйғун айтолмаган ҳақиқатларни англаб, тиклаб, ёзмоқ бизлар учун — фарз. Айтадилар-ку, Руҳ мангудир. У қачондир, қайсидир дақиқада, қайси бир шуурда, истеъдодда ўзининг янги ҳаётини кўради, қайта яшай бошлайди деб. Руҳи поклар, муқаддас хотиралар, табиат инсонга ато қилган ақлу тафаккур ёғдуси ҳурмати биз ўтганларни раҳмат қилсин деймиз, уларнинг ибратидан, ишларидан, хатоларидан ҳам керакли хулосалар чиқарамиз.

Агар бахт изласа ҳар ким,
Менинг-ла ошно бўлсин.
Мен унга гул берай хил-хил,
Қучоғи гул билан тўлсин.
Бу гулларким, асил гуллар
Етилган лолазоримда.
Жафодан, ноладан из йўқ
Менинг мангу баҳоримда!

Бу ўша қирғинбарот чигириқлари буюк ақлларни домига тортаётган йиллари ёзилган шеър. Шоир балки озод замонни армон қилган. Узи яратган лўбатига ошиқ бўлган кулолдай илҳоми яратган замонага ошиқ бўлган эди. Ана шу мафтунлик уни умр бўйи тарк этмади. Унинг бахти ҳам, мусибати ҳам, назаримда, ана шунда эди.

Мажлислар ҳайъатида қур тўкиб ўлтирар эди Уйғун бобо. Нуроний чеҳраси, бироз тўпори, ҳазилу лутфга бой халқона шеърлари бизга ҳаётсевар бир шоири замон ўтганини эслатиб туради.

У истеъдоди, тажрибаси ноёб шоирлардан эди.

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

ИСТИҚЛОЛ НАВОЛАРИ

Маънавият ва маърифат марказида «Шуур» ижодий корхонасининг ташаббуси билан «Истиқлол наволари» байрам кечаси бўлди. Кечада республикамизнинг таниқли шоирлари Абдулла Орипов, Ойдин Ҳожиева, Азим Суюн, Муҳаммад Юсуф, Фарида Бўтаева истиқлолнинг 4 йиллигига бағишланган шеърларини ўқиб бердилар. Марказ раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов йиғилганларни мустақиллик байрами билан табриклади. Кечага йиғилганлар Ғиёс Бойтоев, Абдулла Қурбонов, Гулбаҳор Эрқулова, Юлдуз Абдуллаева каби санъаткорларнинг ҳассос чиқишларини ҳузур қилиб тингладилар. Байрам мушоараси ва концертини телевидениенинг таниқли сухандони Муслимбек Йўлдошев олиб борди.

Шоира ЖУМАБОЕВА

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»

Муассис: Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган

Буюртма: Г — 0376

10000 нусхада босилди

Сотувда нархи эркин

Ҳажми 2 босма табоқ

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32

Навбатчи муҳаррир — Баҳодир МУРОД АЛИ